ЎзССР Давлат нашриёт қўмитаси

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!


ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ♦ TOŞKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 1995 йил 2 август, чоршанба • № 61 (10.737) • Эркин нархда сотилади

Ислом КАРИМОВ:

КЕЛАЖАККА ҚАТЪИЙ ИШОНЧ БИЛАН БОҚАМИЗ



СУРАТЛАРДА: йиғилиш пайтида.

Р. НУРИДДИНОВ (ЎзА) олган суратлар.

29 июль куни Тошкентда Президент Ислом Каримов раислигида Вазирлар Маҳкамасининг йиғилиши бўлди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси раҳбарлари, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари, вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, корпорациялар, концернлар, уюшмалар ва бирлашмалар раҳбарлари иштирок этди. Мажлисда 1995 йилнинг биринчи ярмида иқтисодий ислоҳотларнинг амалга оширилиши ва уларни янада ривожлантиришга доир чора-тадбирлар, пул муомаласи ва халқ ҳўжалигида ҳисоб-китобларнинг аҳволи тўғрисидаги масалалар муҳокама қилинди.

Бугунги мажлис кун тартибига қўйилган масалалар ҳақида гапирар эканмиз, 1995 йил биринчи ярми якунларини бозор муносабатларига ўтишнинг иккинчи босқичи, яъни ислоҳотларни тезлаштириш ва чуқурлаштириш жараёни билан чамбарчас боғлиқ ҳолда таҳлил қилишимиз лозим, деди Президент. Бунда, аввало, қандай вазифа ва мақсадлар олдимизда турибди, уларни амалга ошириш учун нималар қилиш кераклигини белгилаб олиш муҳимдир.

Шу маънода, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва уни ҳақиқий эгалари қўлига етказиш мақсадида қилган ишларимизнинг самараси ва суръатларига баҳо беришимиз даркор.

Шуни таъкидлашимиз керакки, бу жараён 1995 йилнинг биринчи ярмида анча **тезлаштирилди ва муайян натижаларга эришилди.** Хусусан, ярим йил мобайнида 4300 корхона давлат тасарруфидан чиқарилди. Июль ойининг ўзида акционерлик жамиятлари сони уч минг олти юздан ошди, улар томонидан 2 миллиард сўмлик акциялар чиқарилди, шунинг асосида қимматли қоғозлар бозори ривожланди. Фонд биржаси, Кўчмас мулк биржаси, миллий депозитарий каби ташкилотлар ҳам ўз фаолиятида ижобий натижаларга эришди.

Хусусийлаштиришнинг энг асосий натижаларидан бири — **мамлакатда мулкдорлар табақаси пайдо бўлди, жамиятда янги психология, мулкка бўлган янгича муносабат қарор топди.**

Шунга қарамасдан, бозор тизимларини ривожлантиришда камчиликлар ҳали ҳам кўп: айниқса, йирик корхоналарни хусусийлаштириш ҳаддан ташқари сust боряпти. Айрим йирик корхона раҳбарлари оғир молиявий аҳволни рўкач қилиб, бу масалани пайсалга соляпти. Коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, «Ўзбошқурилишёғочсаноат», «Ўзбектрансқурилиш», «Тошкентуйжойинвестқурилиш» раҳбарлари хусусийлаштириш вазифаларини бажара олмади.

Хоразм, Наманган, Қашқадарё ва Навоий вилоятларида ҳам хусусий ва кичик корхоналар ташкил этиш борасида ярим йиллик дастурлар бажарилмади.

Айрим тармоқларда хусусийлаштириш барча қуйи поғоналарга етиб бормаяпти, уларни қамраб олмаяпти. Масалан, қурилиш тармоғида хусусийлаштириш трестлар ва бирлашмалар даражасида амалга оширилмоқда, холос.

Пудрат ташкилотларини хусусийлаштириш ҳам жуда сust бормоқда, натижада буюртмачилар маблағини юқоридан тақсимлаш усули сақланиб келмоқда. Шу сабабли ҳам республикада **ҳанузгача пудрат ишлари бозори шаклланган эмас.**

Хусусий корхоналар ишининг етарли самара бермаётганлиги бизни ташвишга солмоқда. Бу, айниқса, қишлоқдаги хусусий ва фермер хўжаликлари фаолиятига тегишлидир. Ташкил бўлган кўп корхоналар тадбиркорлик тажрибаси йўқлиги, билимлари савияси пастлиги, **ҳокимликлар ва марказий идоралар уларга етарлича ёрдам бермаслиги туфайли** ўз ишини ривожлантира олмаяпти ёки тўхтаб қоляпти.

Шунинг учун бу соҳада ҳали кўп иш қилинишини керак. Яъни **мулкдорлар ва тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш, айниқса муҳим аҳамиятга эга.** Чунки тадбиркорлар эҳтиёжни ҳисобга олиб бозорни тўлдиради, ўзи ҳам манфаат кўради, бошқаларга ҳам нафи тегади. Уларни юртпарварлар деб аташ мумкин. Ҳокимликлар, вазирликлар бу масалага жиддий эътибор беришлари керак.

Хусусийлаштиришнинг ҳозирги босқичида иккита вазифа турибди.

Биринчиси — тадбиркорларнинг ишчанлик қобилиятини кескин кўтариш. Шу билан бирга, ўзларини тиклаб олишлари учун **уларга амалий ёрдам бериш, кенг имкониятлар очиш.**

Бу вазифаларни бажаришда куни кеча ташкил қилинган кичик бизнесни ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватловчи махсус **Бизнес-Фонд** ва шу фонд билан чамбарчас боғланган **Суғурта агентлиги**га катта ишонч ва умид билан қараймиз.

Иккинчи вазифа хусусийлаштириш жараёнига аҳолининг барча қатламларини жалб қилиш билан боғлиқдир. Бу эса кўчмас мулк ва қимматли қоғозлар бозорларини тезлик билан ташкил этиш ва ривожлантиришни талаб этади.

Ҳозирги босқичнинг муҳим вазифаларидан яна бири — бу молиявий барқарорликка эришишдир. Ўтган ярим йил ичида бу соҳада бирмунча ижобий натижалар қўлга киритилди. Хусусан, инфляция даражасининг кескин пасайиши бу борадаги сиёсатимизнинг муҳим натижаларидан биридир. Уни йил бошидаги 16-17 фоиздан июнь ойида 1,9 фоизга туширишга эришдик. Ёки, 1995 йилнинг 1 чорак якунлари бўйича бюджет камомади ялпи ички маҳсулотга нисбатан 1,2 фоизни ташкил этган бўлса, бу ҳолат ярим йиллик давомида ҳам шу даражада сақлаб қолинди.

Молиявий барқарорликка эришишнинг ҳозирги кундаги энг асосий муаммоси миллий валютамизнинг қувватини оширишдир.

Халқимизнинг фаровонлиги, ҳаётининг кўркамлашиб бориши кўп жиҳатдан шу масаланинг ҳал этилишига боғлиқ. Шу сабабли ҳам бу масалага энг устивор йўналишлардан бири деб қарамоқ лозим, дея таъкидлади Ислом Каримов.

Бу борадаги асосий муаммо — сўмимизни ички конвертациясига, унинг бошқа мустаҳкам валюталар билан эркин алмашувига эришиш. Бу эса ҳозирги кунда нақд пул эмиссиясини эгдлик билан тартибга солишни талаб этади.

Биринчи ярим йилликда бу борада сезиларли натижаларга эришилди. Агар жорий йилнинг биринчи чорагида эмиссия даражаси 17,6 фоизни ташкил этган бўлса, иккинчи чоракда 8,2 фоизгача камайди.

Айни вақтда айрим вилоятларда эмиссия муаммосига етарли эътибор берилмаяпти. Қорақалпоғистон Республикаси, Жиззах, Навоий, Қашқадарё, Бухоро, Сурхондарё ва Сирдарё вилоятларида эмиссия даражаси республикадаги ўртача кўрсаткичдан анча юқори ҳолда қолмоқда. Бунинг сабаби шундаки, бу жойларда аҳолига зарур товар, хизматлар таклиф этилмаяпти. Содда қилиб айтганда, халқимизнинг эҳтиёжлари қондирилмасдан қолиб, уларнинг қўлида бўлган нақд пул хазинага қайтиб тушмасдан, эмиссия даражаси ортиб кетмоқда. Самарқанд, Наманган, Андижон, Қўқондагидек, одамнинг «жони»дан бошқа ҳамма нарса топиладиган дўконлар бу ерларда жуда кам.

Шундан кейин ўша вилоят-туманларда маош тўлашда қийинчилик пайдо бўлганда кимни айбламоқ керак?

Кўп марта айтилган фикрни яна бир карра такрорлашга мажбурман. Агар валютамиз етарли даражада товарлар билан қопланмаса, унинг қувватли ва **обрўга эга бўлиши амримаҳол. Буни ҳаммамиз англаб олишимиз лозим.** Ҳеч нуқтаи назардан қараганда, биринчи ярим йилликда, Тошкент шаҳрини мустасно қилганда, барча вилоятлар чакана товар айланмасини 1994 йилнинг биринчи ярмига нисбатан кескин камайтириб юборганини қандай баҳолаш мумкин?

Қорақалпоғистон Республикаси, Сирдарё, Тошкент вилоятларида аҳолига пулни хизмат кўрсатишга етарли эътибор берилмади. Навоий, Самарқанд, Сурхондарё, Тошкент ва Фарғона вилоятларида халқ истеъмол товарларини ишлаб чиқаришнинг ўтган йилдагига нисбатан камайишига йўл қўйилди.

Албатта, сўнгги пайтларда биз товар бозорини анча тўлдиришга эришдик. Аммо бу кўпроқ импорт ҳисобига амалга оширилди. Импортни рағбатлантириш билан бирга ўзимизда ишлаб чиқаришни ривожлантиришни ҳам унутмаслигимиз лозим.

Минг афсуски, бугунги кунда кўпгина корхоналаримизда ишлаб чиқарилган маҳсулот ўз харидорларини тополмаслиги ҳеч чидаб бўлмайдиган ва миллий шаънимизга мос келмайдиган ҳолдир.

Тасаввур этинг: бир томондан, кўплаб корхоналарнинг омборларида тайёр маҳсулот тўлиб-тошиб ётибди, шу маҳсулотни ишлаб чиқариш учун оддий ишчиларнинг меҳнати сингган.

Иккинчи томондан эса, корхоналарнинг айланма маблағларининг ҳаракатсизлиги оқибатида шу молни, шу товарни ишлаб чиқарувчиларга иш ҳақи бериш имкони йўқ. Одамларга ишлаб топган ҳақини вақтида бермаслик эса — адолатсизликдир. Бундай ҳолни ўзгартириш учун, аввалambor, раҳбарларнинг масъулиятини ва керак бўлса, жавобгарлигини қатъий кучайтириш зарур.

Шунинг учун маош — ойлик ўз вақтида берилмаётганига ким сабабчи, шуларни аниқлаб, ҳақиқий ҳолатни одамларимизга етказиш даркор. Токи, улар хукуматдан, банкдан беҳуда ранжиб юрмасин.

Яна бир муаммо — бу кўплаб корхона раҳбарлари ҳанузгача экспорт имкониятларини ошириш, маҳсулот сифатини дунё даражасига тенглаштириш ҳамда ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш борасида етарли жонбозлик кўрсата олмаяптилар.

Бу масалалар ривожланган мамлакатлар фирмалари учун энг муҳим ҳисобланади. Улар таркибида фирма фаолиятининг юқори самарадорлигини таъминловчи маркетинг, **яъни оддий тил билан айтганда, чиқараётган молнинг бозорини олдиндан ўрганиш, стратегик тадқиқотлар каби узоқни кўзлайдиган бўлимлар муваффақиятли иш олиб боради.** Аслида маркетинг биз учун янгилик эмас. Ота-боболаримиз, қадимги савдогарлар шу усулда ишлаган.

Очиғини айтсак, бугунги аксарият вилоят раҳбарлари ва фаолларимиз бундай муаммолар ҳақида ҳали-бери бош қотирадиган ҳам эмас. Шунинг учун ҳам чет элдан мол келтиришни ташкил этиш ўрнига Тошкентга — пойтахтга нақд пул келтириб товар ташиб кетмоқдалар.

Ҳозирги вазият тўлов интизомини мустаҳкамлаш бўйича жиддий ишларни амалга оширишни тақозо этади. Зеро, молиянинг барқарорлиги, пул айланишининг ва умуман, иқтисодимизнинг ҳолати шу масаланинг тўғри ҳал қилинишига боғлиқ.

(Давоми 2-бетда)

МУҚАДДАС БАЙРАМ ТАРАДДУДИ

29 июль куни Вазирлар Маҳкамасида мустақиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш масалаларига бағишланган мажлис бўлди. Уни республика Президенти Ислом Каримов бошқарди.

Ўзбекистон тарихи зарварақларига миллий байрам сифатида битилган республикамиз Мустақиллик кунини тўртинчи маротаба нишонлаш арафасида турибмиз. Байрам муносабати билан мамлакат миқёсида кенг қамровли ободончилик ва қурилиш ишлари олиб борилмоқда.

Ҳар йилгидек бу йил ҳам пойтахтнинг Мустақиллик майдони ҳамда бошқа йирик майдон ва хиёбонларда, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар марказларида, туманлар, шаҳарлар ва қишлоқларда, маҳалла ҳамда гузарларда байрам тантаналарини катта шодиёна билан ўтказиш мўлжалланган. Хусусан, пойтахтнинг Мустақиллик майдонида байрамимизнинг асосий тадбирлари бўлиб ўтади. Ислом Каримов ана шу бош майдонда ўтадиган байрам тантаналари тўғрисида сўзлади. Ўзбекистон мустақиллигини эълон қилган фурсатдан буён ушбу майдонда ўтказиб келинаётган катта байрам томошалари нафақат Марказий Осиё минтақасида, балки Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ҳудудида ҳам ўзининг кенг қамрови ва теран мазмуни билан ягона ва бетакрор байрам сифатида тан олинмоқда, деди Президент. Йилдан-йилга мустақиллик байрами юрт ободлиги, халқимиз турмушининг моддий ва маънавий ўсишида муҳим аҳамият касб этаётир. Қолаверса, байрамдан-байрамга ушбу қутлуғ санага тайёргарлик кўриш ва уни нишонлаш борасида ҳам ибратли тажрибалар орттиряпмиз.

Мамлакат раҳбари мажлис аҳли эътиборини нишонланажак мустақиллик байрамининг халқимиз маънавияти билан бевосита боғлиқлигига қаратди. Саҳналаштириладиган томошаларда миллий байрамимиз мазмуни ва тарихий аҳамияти теран очиб берилиши кераклигини қайд этди. Халқимиз маънавий ҳаётида истиқлол шарофати билан туб бурилиш юз бергани, асрлар мобайнида мустақиллик туйғусини дилида асраб-авайлаб келган кишиларимизнинг орзуси рўёбга чиқиб, ғурури ўсгани, умуман, Ўзбекистон тарихидаги изчил ҳамда теран ривожланиш, иқтисодий ютуқлар ва маънавий камолот — байрам томошаларининг бош мазмуни ва моҳияти ана шулардан иборат бўлмоғи лозим. Халқ хўжалигининг турли соҳаларида фидокорона меҳнат қилиб, барча жабҳаларда катта ютуқларга эришаётган жонкуяр ва меҳнатсевар халқимизга муносиб байрам томошаларини тақдим этишимиз фарзу қарздир, деди юртбошимиз. Мустақиллик байрами, миллатидан қатъий назар, республикамизда истиқомат қилаётган ҳар бир фуқаронинг ёдида қоладиган бўлиши керак. Бунинг учун эса теран ижодий изланишларга асосланган бутунлай янгича байрам дастурини тузиш, унда янги шеър, куй ва қўшиқлар, саҳна томошаларига кенг ўрин ажратиш зарур. Вилоятлардаги истеъдод эгаларига санъатларини намойиш этишлари учун имконият яратиб бериш лозим. Байрам томошаси шундай маънавий таъсирчан бўлиши керакки, бош майдонга келадиган меҳмонлар ҳам, бу шодиёналарни ойнаи жаҳон орқали кўрадиган ҳар бир киши ҳам ундан баб-баравар тўлқинлансин, катта руҳий ва тарбиявий озуқа олсин, деди Ислом Каримов пировардида.

Мажлисда, шунингдек, сентябрь ойида Тошкентда бўладиган биринчи Марказий Осиё ўйинларини ўтказиш билан боғлиқ масала ҳам муҳокама қилинди. Президент республикамизнинг бир қанча спорт иншоотларида амалга оширилаётган тайёргарлик ишлари билан танишди. Марказий Осиё ўйинларининг тантанали очилиши маросими ўтажак «Пахтакор» марказий ўйингоҳини безатиш ҳамда спорт ўйинларини ўтказиш юзасидан тегишли йўл-йўриқ ва тавсиялар берди.

Мажлисда республика Олий Мажлиси Раиси Э. Халилов, Бош вазир А. Муталов, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари, Мустақиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш-ташкилий қўмита раиси И. Жўрабеков, Президентнинг Давлат маслаҳатчилари, Бош вазир ўринбосарлари, бошқа расмий кишилар иштирок этди.

(ЎзА).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ КЕНГАШИНИНГ ҚАРОРИ

БИРИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ УЧИНЧИ СЕССИЯСИНИ ЧАҚИРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Кенгаши ҚАРОР ҚИЛАДИ:

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг учинчи сессияси 1995 йил 30 август куни Тошкент шаҳрида чақирилсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси
Э. ХАЛИЛОВ

Тошкент шаҳри,
1995 йил 1 август.

***

Олий Мажлиснинг учинчи сессияси муҳокамасига қуйидаги масалаларни киритиш назарда тутилади:

1.Сайловчиларнинг фикрини ўрганиш юзасидан Олий Мажлиснинг иккинчи сессиясида тузилган Комиссия ахбороти.

2. «Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси ҳақида.

3. Ўзбекистон Республикасининг Ҳарбий доктринаси тўғрисида.

4. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг умумий қисми лойиҳаси тўғрисида (биринчи ўқишда киритилади).

5. Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси лойиҳаси тўғрисида (биринчи ўқишда киритилади).

6. «Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан судга шикоят қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг лойиҳаси ҳақида.

7. Концессиялар тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг лойиҳаси ҳақида.

8. «Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг лойиҳаси ҳақида (биринчи ўқишда киритилмоқда).

9. «Ўсимликлар карантини тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг лойиҳаси ҳақида.

10. «Меҳнат шуҳрати» орденини таъсис этиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг лойиҳаси ҳақида.

11. «Шон-шараф» орденини таъсис этиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг лойиҳаси ҳақида.

12. «Ўзбекистон Республикасининг Ҳаво флоти кунини таъсис этиш тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси ҳақида.

13. «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси ҳақида.

Ушбу масалалар билан бир қаторда Олий Мажлис ваколатига кирувчи бошқа масалаларни ҳам депутатлар муҳокамасига қўйиш мўлжалланади.

ЯНАДА ФАОЛРОҚ ИШЛАШ КЕРАК

Касаба уюшмалари ҳаёти

КЕЙИНГИ йиллар ичида жойларда вилоят деҳқончилик-саноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси тармоғи тизимидаги ташкилотларнинг ислоҳотларни амалга оширишдаги кўмаклашуви мавқеи ортиб бормоқда. Улар Президент фармонлари, ҳукуматимиз қарорларини амалга оширишда хўжаликлар бошқарувларига изчил ёрдам кўрсатмоқдалар. Ташкилотлар меҳнат қилишни яхши йўлга қўйиш, кишиларни ижтимоий ҳимоялаш, дам олиш жойларига бораётган фахрийларни йўлланмалар билан таъминлаш, соғломлаштириш масканлари, болалар оромгоҳларининг мавсумларда узлуксиз ишлашига эришиш борасида дуруст натижаларни қўлга киритдилар. Касаба уюшмаларининг саъи-ҳаракати вилоятимизда давлатга пилла, ғалла топшириш йиллик режаларининг ошириб адо этилишида, меҳнаткашларнинг ҳордиқ чиқаришини ташкил қилиш борасидаги ишларида ҳам яққол кўзга ташланмоқда.

Айни пайтда бугунги кун талабларига кўра ташкилотлар фаолиятини янада яхшилаш тақозо этилади. Улар аҳолини ижтимоий ҳимоялаш, иш жойларида қулайликлар яратиш, янги ишчи ўринларини барпо этиш, айниқса, кам таъминланган оилаларни қўллаб-қувватлаш юзасидан юртбошимиз фармонлари, ҳукумат қарорларининг мунтазам бажарилиши масалалари билан янада чуқурроқ шуғулланишлари лозим.

Деҳқончилик саноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси вилоят қўмитасининг раиси К. Шодиметовнинг қўмитанинг яқинда бўлиб ўтган иккинчи пленумида қилган «Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари асосида касаба уюшмаси Оққўрғон, Тошкент туман қўмиталарининг қишлоқ меҳнаткашларини ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича олиб бораётган ташкилий ишлари ҳақида»ги маърузасида ва маъруза юзасидан сўзга чиққанларнинг нутқларида ана шу масалалар ҳусусида кенг тўхталиб ўтилди.

Иккала тумандаги касаба уюшмалари қўмиталари фаолияти батафсил таҳлил этилди. Ютуқлар билан бирга камчиликлар ҳам аниқ кўрсатилди. Касаба уюшмалари ва ҳодимлари янада фаол ишлаши лозимлиги қайд этилди.

Пленумда республика касаба уюшмаси федерацияси, вилоят касаба уюшмаси қўмитаси раҳбарияти вакиллари, вилоят ҳокимлигининг бир қатор бошқармалари бошлиқлари иштирок этдилар.

Пленумда муҳокама этилган масала юзасидан қарор қабул қилинди.

Бекобод шаҳрининг 50 йиллиги олдидан

ҚИЗҒИН ҲОЗИРЛИК

КЎП миллатли катта оиламизнинг ярим асрлик тантаналарини ўтказиш тўғрисида республика Вазирлар Маҳкамасининг қарори ҳаммамизнинг руҳимизни баланд кўтариб юборди. Тўйга муносиб тўёна билан бориш ота-боболаримиздан қолган яхши удум. Шу боис, шаҳримизнинг 50 йиллигини нишонлаш муносабати билан саноат корхоналари, ташкилотлар, муассасалар, маҳаллалар, даҳаларда тайёргарлик ишлари авж олиб кетди.

Биз ҳозирликни анча илгарироқдан бошлаган эдик. Уни уюшқоқлик билан ўтказиш мақсадида шаҳар ҳокими Ж.Насриддинов раҳбарлигида ташкил этилган штаб ҳар куни амалга оширилган ишларни таҳлил қилиб бормоқда. Белгиланган тадбирларнинг рўёбга чиқишида вилоят ҳокимлигининг ғамхўрлигини ҳис этиб турибмиз.

Реконструкция қилинган ишларнинг кўплари бажарилди. Бу айниқса, шаҳар қиёфасини гўзаллаштириш борасида яққол сезилади. Маҳаллалар ҳудудлари, кўчалар, хиёбонлар орасталаниб, байрамона туста кирмоқда, автобус бекатлари қайта таъмирланмоқда. Муҳамедов номли кўчада «Олтин водий» номини олган шинам, замонавий чойхона қад кўтарди. 14-даҳада каттагина дорихона, кафе қурилиши ниҳоясига етмоқда. Болалар учун 3 та майдонча тахт қилиб қўйилди. Гагарин номли истироҳат боғида тўйлар, тантанали тадбирларни ўтказишга мўлжалланган очиқ майдон ташкил қилиниб, тўла жиҳозланди. Бир қатор саноат корхоналарининг маданий муассасалари, ўйингоҳлари таъмирланди. Шаҳарда ташхис маркази иша тушди. Хосёз каналининг икки томони таъмирланиб, ёритгичлар ўрнатилгач, Бекобод кўрки янада очилиб кетди.

Бир қатор хусусийлашган кичик корхоналар, цехлар, тижорат ва бошқа савдо шаҳобчалари, супермаркет дўконлари ишлаб турипти. Кичик нон заводи яқинда қуриб фойдаланишга топширилди, каттасининг қурилиши эса жадал олиб борилаётир.

Иқтисодий ислоҳотларни изчил амалга оширишга алоҳида эътибор беряпмиз. Шаҳар аҳолисини табиий газ, сув билан таъминлаш масаласи деярли ҳал этилган. Энг чекка ҳудудларда жойлашган янги маҳаллаларга ҳам жорий ва келгуси йил мобайнида бу қулайликлар яратиб берилади.

Бекобод республикамиз, вилоятимизнинг фақат йирик саноат шаҳри бўлибгина қолмай, халқаро спорт ўйинлари ўтказиладиган, маданияти йил сайин юксалиб бораётган, миллий-маданий марказлар эркин фаолият кўрсатаётган маскан ҳамдир. Бу ерда янгича услубда таълим-тарбия ишлари ташкил этилган мактаблар, маданият саройлари, клублар, спорт комплекслари мавжуд.

Ҳозир биз бевосита тантана куни бўладиган ишлар режаси устида ишлаяпмиз. Шаҳарни бунёд этганлар рўйхатлари яна бир бор аниқланмоқда. Биринчи бунёдкорларга топшириладиган совғалар. Бекобод тимсоли акс этган нишонлар тайёрлаб қўйилди.

С. ИНОЯТОВ,
Бекобод шаҳар ҳокимининг биринчи муовини.

ЖАҲОН ТАНИГАН ФИРМА

«КОМПАНИ КОТОНЕР» француз пахта фирмасини жаҳон танийди. Бундан бир аср илгари, аниқроғи 1862 йилда ташкил этилган бу фирма пахта хом ашёси олди-сотдиси билан, айни вақтда, пахтани қайта ишлаш саноати асбоб-ускуналарини сотишни ташкил этиш билан шуғулланиб келмоқда.

Унга тегишли пахтани қайта ишлаш корхоналарини қурраи заминимизнинг кўпгина ҳудудларида учратиш мумкин. Африкадаги пахтачилик билан шуғулланувчи деярли барча мамлакатларда, АҚШ, Испания ва қатор бошқа давлатларда шундай корхоналар ишлаб турипти.

Фирма, бир неча йил бўлдики, қатор МДҲ мамлакатларига ҳам кириб келмоқда. Озарбайжон, Тожикистон, Туркманистон давлатларида етиштирилган «оқ олтин» ҳосилини қайта ишлашда мазкур фирма ҳам қатнашмоқда. Бу мамлакатларда унга қарашли корхоналар барпо этилган.

Фирма энди Ўзбекистон билан ҳам яқин ҳамкорлик қилишга киришиб, ўз хизматини таклиф қилмоқда. Шу муносабат билан ўтган шанба куни фирмани таништирув маросими бўлди. Унда қатнашган жамоатчилик вакилларига фирманинг бош директори Жеральд Эстъюр фирманинг ташкил этилиши тарихи ва ҳозирги вақтдаги мавқеи тўғрисида батафсил гапирди, йиғилганларнинг кўпдан-кўп саволларига жавоб берди.

Жаҳон таниган фирманинг мамлакатимизга кириб келиши ҳеч шубҳасиз икки томонлама фойдали бўлади.

М. СОБИРОВ.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҚАРОРИ

1995 йилнинг I ярим йилида иқтисодий ислоҳотларнинг боришини баҳолаш ва уларни янада ривожлантиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида

Вазирлар Маҳкамаси қайд этадики, 1995 йилнинг I ярим йилида иқтисодиётнинг барча соҳаларини изчил ўзгартириш, Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 14 февралдаги 54-сон қарори билан тасдиқланган иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг устиворликларини ва асосий йўналишларини амалга ошириш, давлат корхоналарини акциялаштириш, хусусий тадбиркорликни ривожлантириш бўйича ишлар анча фаоллаштирилди.

Кўп укладли иқтисодиёт шаклланди: товарлар, сармоя ва қимматли қоғозлар бозорлари фаолият кўрсата бошлади. Барча корхоналарнинг ярмидан кўпроғи, қишлоқ хўжалиги, савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасининг деярли бутун ҳажми нодавлат сектори улушига тўғри келди.

Ислоҳотларнинг боришини баҳолашга янгича ёндашишлар ҳамда унинг кўрсаткичлари тизими ишлаб чиқилди ва амалга оширилди. Улар асосида минтақалар ва тармоқларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш якунлари Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Вазирлар Маҳкамаси мажмуилари мажлисларида кўриб чиқилди. Ҳисобот маълумотларининг ишончлилиги анча ошди ва мулкчиликнинг барча шаклларидаги ҳисобот берувчи корхоналар ва ташкилотлар доираси кенгайди.

Амалга оширилаётган бюджет ва пул-кредит сиёсати натижасида республикада молиявий ва иқтисодий барқарорлик таъминланди, миллий валюта мустаҳкамланди. Давлат бюджети дефицити умуман ярим йилда ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,6 фоизни ташкил қилди. Инфляция даражаси кескин қисқарди — йил бошидаги 16—17 фоиз ўрнига у июнь ойида 1,9 фоизгача қисқарди.

Эмиссиянинг нақд пул муомаласидаги салмоғи I чоракдагига нисбатан икки баравар пасайди. Вексель тизимининг оборотга жорий қилиниши дебиторлик ва кредиторлик қарзининг анча қисмини тўлаш имконини берди.

Устувор тармоқлар, энг аввало базавий тармоқлар ишлаб чиқариши таркибида муҳим ўзгаришлар юз берди. Нефть, газ ўтган йилдагига қараганда кўп қазиб олинди, республика хомашё ресурсларидан нефть маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми ошди. Ялпи ғалла ҳосили сезиларли даражада — 1,9 баравар ўсди, сабзавот, мева, гўшт, сут ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш кўпайди. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг ялпи ҳажми ярим йилликда ўтган йилнинг тегишли давридагига нисбатан 110,7 фоизни ташкил этди.

Хорижий мамлакатлар билан ташқи савдо обороти ўсмоқда, у ўтган йилнинг тегишли давридагига нисбатан 46,5 фоизга кўпайди. МДҲ мамлакатлари билан ўзаро савдо-иқтисодий муносабатларда ижобий сальдо таъминланмоқда.

Шу билан бирга, халқ хўжалигининг бир қанча тармоқларида ислоҳотлар жараёни ниҳоятда суст ва расмиятчилик билан амалга оширилмоқда, асосий эътибор миқдорий томонга қаратилмоқда.

Уюшмалар, концернлар ва корпорациялар, ҳокимликларнинг раҳбарлари таркибий номутаносибликларни ўз вақтида аниқлаш ва бартараф этишга, ишлаб чиқариш пасайиши, сотилмай қолган маҳсулот қолдиғи кўпайиши сабабларини ўрганиб чиқишга етарли эътибор беришмаяпти. Улар корхоналарни модернизациялаш ва техника билан қайта жиҳозлаш, экспортга йўналтирилган рақобатбардошли маҳсулотлар ишлаб чиқариш, истеъмол бозорини товар билан тўлдириш, корхоналарнинг молиявий барқарорлигини ошириш, ўзаро ҳисоб-китобларни тартибга солиш бўйича амалий чора-тадбирлар кўришмаяпти. Зарар кўриб ишлаётган корхоналарнинг сони кўпаймоқда — улар 1995 йилнинг I чорагидаги 695 тадан 745 тага етди.

Самарқанд, Фарғона, Тошкент, Сурхондарё, Жиззах, Навоий вилоятларида ва Тошкент шаҳрида саноат маҳсулотлари ва халқ истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ва сотиш қониқарсиз ташкил этилган. Наманган, Бухоро ва Жиззах вилоятларида нақд пул эмиссиясини қисқартириш бўйича белгиланган кўрсаткичлар бажарилмади.

Иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва иқтисодиёт фаолияти самарадорлигини ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси (Жуманиёзов), Бухоро (Раҳмонов) ва Фарғона (Исломов) вилоятлари ҳокимларига, «Ўзмашсаноат» уюшмаси (Собиров), «Махсусқотишма» республика бирлашмаси (Мақсудов), «Ўзсувқурилиш» концерни (Жуманиёзов), «Кўмир» акционерлик бирлашмаси (Лелеко) раҳбарларига ислоҳотларни чуқурлаштириш, бозор муносабатларини жорий этиш, фаолиятининг молиявий, техник-иқтисодий кўрсаткичларини яхшилаш, конъюнктурани ва ишлаб чиқарилган маҳсулот сотиладиган бозорни ўрганишга доир ишлар улар томонидан қониқарсиз амалга оширилаётганлиги кўрсатиб ўтилсин.

Уларга бир ой муддатда юзага келган номутаносибликни бартараф этиш ва молиявий-иқтисодий барқарорлаштиришнинг аниқ дастурларини ишлаб чиқиш ва Вазирлар Маҳкамасига киритиш топширилсин.

2. Коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги (Михайлов), «Ўзбошёғочқурилишсаноат» бошқармаси (Хаитов), «Ўзбектрансқурилиш» уюшмаси (Омельницкий) ва «Тошкентуйжойинвестқурилиш» корпорацияси (Зокиров) раҳбарлари бир ой муддатда тасарруфидаги корхоналар ва ташкилотларни хусусийлаштириш ва уларни очиқ турдаги акционерлик жамиятларига айлантириш бўйича тармоқ дастурларининг бажарилишини таъминлаш чора-тадбирларини кўрсинлар ва бажарилишини Вазирлар Маҳкамасига маълум қилсинлар.

3. «Ўзавтотранс» корпорацияси (Ахметов) 1995 йилнинг иккинчи ярмида йўловчилар ташишни амалга оширувчи корхоналар қонунчиликда белгиланган тартибда очиқ турдаги акционерлик жамиятларига айлантирилишини таъминласин.

4. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси «Ўзистиқболстат» давлат қўмитаси, Молия вазирлиги, вазирликлар, уюшмалар, концернлар ва корпорациялар билан биргаликда қурилиши тугалланмаган объектлар рўйхатини бир ой муддатда аниқласин ва уларни сотиш учун ким ошди савдосига қўйсин.

5. «Ўзсаноатқурилишбанк» (Ибодов) Ҳукуматлараро битимларга кўра МДҲ мамлакатларидан етказиб берилаётган маҳсулотлар учун маблағларни корреспондент счётлардан ўтказишни истеъмолчи корхоналар олдиндан тўловни «Ўзулгуржибиржасавдо»нинг ҳисоб-китоб счётига сўмларда ўтказганларидан сўнггина амалга оширсин.

6. Молия вазирлиги, Марказий банк, «Пахта-банк», Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ўн кун муддатда қишлоқ хўжалиги корхоналари томонидан 1995 йил пахта ҳосили учун векселлар чиқарилиши тўғрисидаги таклифларни, бу векселлар билан қишлоқ хўжалиги техникаси, ёқилғи-мойлаш материаллари, кимёвий препаратлар етказиб берувчилар билан ҳисоб-китобни амалга оширишни назарда тутувчи таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсинлар.

7. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги бир ой муддатда иш билан таъминланишга муҳтож бўлган ва хусусий иш ташкил этишни хоҳловчилар билан ишлашни ташкил қилиш тўғрисида Низомни Вазирлар Маҳкамасига киритсин, унда қайтариш асосида, Иш билан таъминлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан молиявий қўллаб-қувватлашни назарда тутсин.

8. Зарар кўриб ишловчи корхоналарни тугатиш республика комиссияси (Ҳамидов) тижорат банклари иштирокида шу йил 20 августгача зарар кўриб ишловчи корхоналар рўйхатини аниқласин ҳамда «Банкротлик тўғрисида»ги Қонунда белгиланган тартибда уларни банкрот деб эълон қилсин. Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судига тижорат банкларининг банкрот корхоналар бўйича тақдимномаларини тезкорлик билан кўриб чиқиш ва улар бўйича қарор қабул қилиш тавсия этилсин.

Олий хўжалик суди томонидан банкрот деб эътироф этилган корхоналар рўйхати оммавий ахборот воситаларида кенг эълон қилинсин.

9. Давлат солиқ қўмитаси, Адлия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда икки ҳафта муддатда жойларда корхоналар ва ташкилотлар учун жорий этилган барча қўшимча йиғимлар ҳамда тўловларни қайта рўйхатдан ўтказсинлар. Айни вақтда амалдаги қонунчиликда назарда тутилмаган йиғимлар ва тўловлар бекор қилинсин, «Маҳаллий солиқлар тўғрисида»ги Қонунни бузган шахслар эса маъмурий жавобгарликка тортилсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Молия вазирлиги, «Ўзистиқболстат» давлат қўмитаси билан биргаликда икки ҳафта муддатда нақд пулнинг банкдан ташқари оборотини камайтириш механизмига доир таклифларни ишлаб чиқсин ва Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

11. «Ўзистиқболстат» давлат қўмитаси:

бир ой муддатда мулкчиликнинг барча шаклларидаги корхоналар ва ташкилотлар учун статистик ҳисоботларнинг янги шаклларини белгиланган тартибда ишлаб чиқсин ва тасдиқласин, бунда уларни бир шаклга келтиришни ва анча соддалаштиришни назарда тутсин;

йил охиригача ҳудудий, тармоқ ва республика даражаларида ижтимоий-иқтисодий ривожланиш якунларини таҳлил қилиш ва ислоҳотларнинг боришини баҳолаш бўйича методик тавсияномаларни пухта ишлаб чиқсин ва нашр этсин.

12. «Ўзистиқболстат» давлат қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Фан ва техника давлат қўмитаси, Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги, Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар, уюшмалар, корпорациялар, корхоналар ва ташкилотлар билан биргаликда бир ой муддатда экспортга мўлжалланган ва ташқи бозорларда рақобатга бардошли маҳсулот ишлаб чиқаришни ташкил этиш бўйича аниқ таклифлар ва устувор лойиҳаларни ишлаб чиқсинлар ва кўриб чиқиш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсинлар.

Пул-кредит сиёсати бўйича Ўзбекистон Республикаси комиссияси (Ҳамидов) Вазирлар Маҳкамаси томонидан маъқулланган инвестиция лойиҳаларини рўёбга чиқаришга зарур бюджет ва кредит маблағлари, шу жумладан эркин алмаштириладиган валюта маблағлари биринчи навбатда ажратилишини назарда тутсин.

«Ўздавстандарт» маркази Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги, Фан ва техника давлат қўмитаси билан биргаликда бир ой муддатда Миллий эталон базасини ташкил этиш юзасидан таклифлар киритсин.

13. Машинасозлик, кимё ва металлургия мажмуи (Пайгин), Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги, Фан ва техника давлат қўмитаси бошқа манфаатдор вазирликлар, давлат қўмиталари, концернлар ва корпорациялар билан биргаликда бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига ўз илмий ишланмаларимиз асосида, хорижий фирмалар лицензиялари бўйича республикада машиналар ва асбоб-ускуналар, мини-технологияларнинг илғор турларини, рақобатга бардошли тайёр буюмларни ишлаб чиқариш юзасидан таклифлар киритсинлар ҳамда 1996 йилдан бошлаб уларнинг ишлаб чиқарилишини йўлга қўйсинлар.

14. Мева-сабзавот маҳсулотларини сотишни ташкил этиш республика комиссияси (Жўрабеков), «Ўзмевасабзавотузумсаноат» (Носиров), «Ўзтайёрловсавдо» (Курбонов) уюшмалари вилоятлар ва туманлар ҳокимлари билан биргаликда мева-сабзавот маҳсулотларини республика бозорларида ҳамда МДҲ мамлакатларида сотишни жадаллаштириш, учун уларни тайёрлаш тизимини ташкил этишни тубдан яхшиласинлар ва жамоа хўжаликлари, фермерлар ва аҳолидан сотиб олишни таъминласинлар.

15. Ўзбекбирлашув ва «Ўзбексавдо» уюшмаси раҳбарлари Молия вазирлиги, тегишли идоралар билан биргаликда омборларда узоқ муддат сақланаётган товарларни сотиш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқсинлар ва 1995 йил учинчи чораги мобайнида амалга оширсинлар.

16. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимлари, вазирликлар, хўжалик бирлашмалари, корхоналар ва ташкилотлар раҳбарлари шу йил 1 сентябргача корхоналар, ташкилотлар ва хўжаликларни 1995/96 йилнинг куз-қиш даврида ишлашга ўз вақтида тайёрлаш бўйича аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқсинлар ва амалга оширишни таъминласинлар.

17. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги вазирликлар ва идоралар томонидан қонун асосида қабул қилинган норматив ҳужжатлар ва йўриқномаларни икки ой муддатда таҳлил этиб чиқсин ва Вазирлар Маҳкамасига амалдаги қонунчилик нормаларига зидлиги аниқланган қарама-қаршиликлар ва номувофиқликларни бартараф этиш бўйича таклифлар киритсин.

18. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг
Раиси И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1995 йил 31 июль.

КЕЛАЖАККА ҚАТЪИЙ ИШОНЧ БИЛАН БОҚАМИЗ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Биринчи ярим йилликда корхоналараро қарзларни камайтириш бўйича сезиларли ишлар қилинди. Республика бўйича йил бошидаги дебитор қарздорлик 68,5 миллиард сўмдан 46 миллиард сўмга камайтирилди.

Шунга қарамасдан, бу борадаги аҳвол ўта жиддий. Кўплаб корхона ва ташкилот раҳбарлари бу масалани ҳал қилиш учун етарли даражада жавобгарликни ҳис этмаяпти.

Бир қанча уюшма ва вазирликлар тизимларида кўрилаётган чора-тадбирларга қарамай, миллиард сўмлаб дебитор қарзлар мавжуд.

Нега бундай бўляпти?

Ҳаммамизга маълумки, эски тузумда истеъмолчилар ишлаб чиқарувчиларга «бириктириб» қўйилар ва улар маҳсулотни, сифати ва қандайлигидан қатъи назар, сотиб олишга мажбур эдилар.

Шунга кўра ҳисоб-китоблар банклар орқали марказлашган ҳолда амалга ошириларди, ҳар йилги идоралараро дебитор ва кредиторлик ҳисоб-китоблари давлат кредитлари ҳисобидан қопланар эди.

Шундай услубда ишлаб суяги қотган айрим раҳбарлар ҳозир ҳам эски тузумнинг тартибига асосланиб иш олиб бормоқда. Шу сабабли улар жўнатган маҳсулоти учун қарзларни талаб қилиб олишда қатъият кўрсатмаяпти.

Кўпгина раҳбарларда боқимандалик кайфияти устун, **давлат бизни оғир аҳволга ташлаб қўймайди, деган илинж сақланиб қолмоқда**. Улар бошчилик қилаётган корхоналар ҳеч қандай ғам-ташвишсиз, маҳсулотни бемалол омбор учун ишлаб чиқарибгина қолмай, балки қарзлар ҳам орттирадилар, сўнгра эса, ўз қарзларини давлат зиммасига юклаб, уларни қоплаш учун кредит, қўшимча айланма маблағлар сўрайдилар.

Бундай усулда ишлаётган раҳбарлар ва корхоналар бир нарсани қатъий англаб олишлари лозим: **давлат уларнинг масъулиятсизлигига ортиқ тоқат қилолмайди.**

Бундай ҳолнинг олдини олиш мақсадида ҳукумат қарори билан кенг ҳуқуқларга эга бўлган махсус комиссия тузилди ва унинг зиммасига мана шундай ночор ва беқарор аҳволда ишлаётган корхоналар тақдирини ҳал қилиш вазифаси юкланди. Агар қай бир ташкилот ва корхона ишини ва самарасини ошириш имкони топилмаса, банкротлик қонуни асосида бундай инқирозга дуч бўлган корхона ва хўжаликлар тарқатиб юборилади, уларнинг раҳбарлари масъулияти кўриб чиқилади, лозим бўлса жавобгарликка тортилади.

Тўлов интизомининг ҳозирги ҳолатини ҳисобга олиб, яқин вақтларда амалга оширишимиз лозим бўлган вазифаларга тўхталиб ўтмоқчиман, деди Президент.

«Ўзистиқболстат»нинг умумий раҳбарлигида республикада тўлақонли маркетинг, яъни харид бозорини ўрганиш сиёсати ишлаб чиқилиши ва амалга оширилиши лозим.

Ҳокимликлар, «Ўзбексавдо», «Ўзбекбирлашув», Марказий банк ва тижорат банклари ҳуқуқни ҳимоя қилиш органлари билан биргаликда савдо қилувчи ташкилотлар томонидан тушумларнинг тўлиқ топширилиши, товарларни майда улгуржи сотиш тартибига ва касса интизомига риоя қилишлари устидан қаттиқ назорат ўрнатишлари зарур. Қоидаларни бузишларга йўл қўйилганда айбдорларни қаттиқ жавобгарликка тортиш керак.

Вазирликлар, идоралар, корхоналар ва уюшмалар банклар иштирокида ўзларининг ўзаро қарздорликларини таққослашлари ва уни тўлашга қаратилган зарур ҳисоб-китобларни амалга оширишлари керак.

Айланма маблағларнинг ҳаракатсиз қолишига барҳам бериш даркор. Савдо ташкилотлари кўп ойлар мобайнида сотилмай келаётган товарлар нархини қайта кўриб чиқишга, уларни сақлаш муддатларига, мавсумийлигини назарда тутган ҳолда, атрофлича ёндашишлари керак.

Қабул қилинган ҳукуматлараро битимларни амалга оширишда корпорациялар ва корхоналарнинг раҳбарлари республикага товарлар ўз вақтида келтирилишини қаттиқ назорат қилишлари ва «Ўзулгуржибиржасавдо» уюшмаси билан ҳисоб-китобларни вақтида амалга ошириш учун маблағлар заҳирасини яратишлари керак.

Банклар мижозлар билан биргаликда векселларни жорий қилиш амалиётини кенгайтиришлари зарур.

Яна бир бор таъкидламоқчиман: **миллий валютамиз — сўмни мустаҳкамлаш мамлакатимизнинг иқтисодий мустақиллигига эришишнинг энг зарур шарти ҳисобланади.**

Ҳозирги куннинг энг долзарб вазифаларидан бири ишлаб чиқариш, умуман, иқтисодиётнинг таркибий ўзгаришларини изчил давом эттиришдир. Бу ўзгаришлар нимадан иборат?

Аввало, иқтисодиётимизнинг устивор тармоқларини, Ўзбекистоннинг жаҳон бозорида ўзига мос ўрнини эгаллашига қаратилган салмоқли тармоқларни тез суръатлар билан ривожлантиришни таъминлашдир.

Шулар билан бирга халқ хўжалигининг устивор тармоқларида тўлов ва ҳисоб-китобларни тартибга келтириш учун махсус чора-тадбирлар кўриш керак.

Масалан, пахтачилик мисолида биз бу муаммони яхшилаб тушуниб олишимиз ва тегишли хулосалар чиқаришимиз зарур. Ҳисоб-китобларга кўра, республикамиз халқ хўжалигининг 70 фоизидан кўпроғи технологик жиҳатдан пахтачилик билан боғлиқ. Бир хил корхоналар пахтачилик учун техника, ўғит ва бошқа маҳсулотлар берса, бошқалари унинг маҳсулотларини қайта ишлаш билан машғул.

Шу сабабли ҳам, мана шу боғлиқликда ўзаро тўловларнинг бир жойда бузилиши бутун технологик жараёндаги тўловлар тизимига салбий таъсир этади. Аммо бундай тўловлар бузилишидан пахтачилик соҳасидаги хўжаликлар кўпроқ жабр кўряпти.

Кўз олдимизга келтирайлик: пахтакор оғир меҳнати эвазига етиштирган ҳосилини октябрь-ноябрь ойида йиғиб-териб топширгач, дам ҳам олмай, янги ҳосил учун тайёргарлик ишларини бошлаб юборади.

Ҳосилни терди, заводга топширди. Кейин нима бўлади? Завод қачон тола ишлаб чиқаради, уни кимга ва қайси нархда сотади, қачон деҳқонга пахтанинг пулини тўлайди? Бу билан мен нима демоқчиман? Агар шу технологик жараённи деҳқон ерни шудгорлашдан тортиб, то пахтани сотиб пулини олгунга қадар ҳисоблаб кўрсак, 18 ой ўтар экан. Демак, деҳқоннинг машаққатли меҳнати эвазига оладиган даромади 18 ойга чўзилар экан. Бунга қандай баҳо бериш керак? Боз устига, хўжалик счётида пул йўқ, унга тўланмади, бунга тўланмади, деб баъзи бир воситачи корхона раҳбарлари деҳқонни айбдор ҳам қилишади. Бу муҳим масаланинг қандай ечими бор? Жаҳон тажрибасига эътибор берилса, харидор деҳқонга бўлажак ҳосил учун баҳордаёқ аванс, яъни олдиндан пул беради. Бу унга ҳосилини бемалол етиштириш имконини туғдиради, ишончни мустаҳкамлайди.

Нега биз шу усулни қўллашимиз мумкин эмас? Шу мақсадда янги «Пахтабанк» ташкил этилди. «Ўздавпахтасаноатсотиш» уюшмасининг айланма маблағлари ҳажми кўпайтирилди. Мана шу ташкилотлар бундан буён пахтакорга тегишли аванс бериб туради. Шулар эвазига энди у ўз даромадини 18 ой кутмайдиган бўлади.

Бундан ташқари, экспортни кенгайтириш ва импортни камайтириш билан боғлиқ бўлган ишлаб чиқаришни жадалроқ ривожлантириш зарур. Бу йўналиш республикага нефть ва дон мустақиллигига тўла эришиш имконини беради.

Иқтисодиётимизда чет эл инвестициялари борган сари муҳим роль ўйнамоқда. Агар 1994 йилда уларнинг улуши капитал маблағлари умумий ҳажмида бир фоиздан камроқни ташкил қилган бўлса, иккинчи чоракда эса 20 фоиздан зиёд бўлди.

Бугунги энг долзарб масалалар тўғрисида гапирар эканмиз, **қишлоқ аҳолиси учун янги иш жойларини ташкил этиш, уларнинг ижтимоий муаммоларини ҳал этиш ислоҳотлар иккинчи босқичининг энг муҳим вазифаларидан бири деб қаралмоғи керак.**

Қишлоқда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш меҳнат қилиш имконияти доирасини кенгайтириш билан узвий боғлиқдир.

Халқимизнинг ўзи туғилган, киндик қони тўкилган жойга ниҳоятда меҳрли бўлиб, боғланиб қолганини, яъни «дайди» бўлиб кўчиб юриш одати йўқлигини назарда тутадиган бўлсак, қишлоқда одамларни иш билан таъминловчи кичик ва хусусий корхоналарнинг тез ривожланиши қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни тезлаштириш имконини беради.

Кейинги пайтларда қишлоқ жойларда қайта ишлаш ва ёрдамчи ишлаб чиқариш тармоқларини ташкил қилишга эътибор анча кучайди.

Буни катта мамнуният билан таъкидлаймиз. Лекин бу борада қилинадиган ишлар ҳам ҳали кўп. Уларнинг суръатлари ва салмоғи етарли эмас. Бу ҳолатга яқинда бўлиб ўтган идоралараро кенгаш мажлисида атрофлича баҳо берилди. Унинг қарорига кўра, яқин вақт ичида республика идоралари Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоят ҳокимликлари билан ҳамкорликда қишлоқ жойларида ишлаб чиқариш инфраструктурасини ривожлантириш дастурини тайёрлашлари керак.

Ислоҳотларимизнинг муҳим манбаларидан бири — Ўзбекистоннинг халқаро ташкилотлар билан кучайиб бораётган ҳамкорлигининг давом эттирилиши ва кенгайтирилишидир.

Бунда ташқи алоқаларни ривожлантиришга ва эркинлаштиришга алоҳида эътибор берилади.

Узоқ хорижий мамлакатлар билан экспорт ва импорт қилишнинг умумий ҳажми ўтган йилнинг шу даврига нисбатан тегишли равишда 50,5 фоиз ва 38,5 фоиз кўпайди. Экспорт-импорт умумий ҳажмининг сальдоси бизнинг фойдамизга бўлиб 201,2 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Бу билан ҳар қанча фахрлансак арзийди, албатта.

Эришилган ютуқларнинг энг муҳимларидан бири — одамлар бозор шароитларига мослашиб бормоқда, меҳнат қилиш турлари ва соҳалари кенгаймоқда, даромад олишнинг қўшимча имкониятлари пайдо бўлмоқда. Энг муҳими, халқимиз руҳида бу жараёнларни теран тушуниш туйғуси, якдиллик бор!

Аҳоли пул даромадларининг деярли учдан бир қисми шахсий ёрдамчи хўжаликлар, тадбиркорлик, хусусий мулк улушига тўғри келмоқда.

Оқсил моддаларга бой ва ёғли озиқ-овқат маҳсулотлари истеъмол қилиш кўпайди. Нон маҳсулотлари истеъмолининг сезиларли камайиши билан бир қаторда, гўшт маҳсулотлари истеъмоли 25 фоиз, ўсимлик ёғи истеъмоли 17 фоиз, мевалар — 23 фоиз, сабзавот ва полиз экинлари маҳсулоти — 13 фоиз, қанд-шакар истеъмоли 2 фоиз ўсди.

Кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатишнинг янги механизми жорий этилди. Ярим йил ичида бу мақсадлар учун давлат бюджетидан 750 млн. сўм ажратилди.

Ижтимоий муҳофаза ҳақида гап кетганда, бу борадаги сиёсат халқимизнинг туб манфаатларини ҳимоя қилиш билан бирга одамларнинг меҳнат фаоллигини оширишга, уларда тадбиркорлик руҳининг ривожланишига ёрдам бериши лозимлигига ҳам алоҳида тўхталиб ўтмоқчиман.

Яъни бу сиёсатимиз оқибатида одамлар боқимандалик кайфиятидан батамом халос бўлиши — бизнинг пировард мақсадимиздир.

Бу йил далаларимизда мўл пахта ҳосили етиштирилди. Уни нес-нобуд қилмай йиғиштириб олиш ҳар биримизнинг ватанпарварлик бурчимиздир. Деҳқонларни қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш мақсадида бу йил пахта харид нархи 7-8 баравар оширилди. Бу хўжаликларимизнинг молиявий аҳволини яхшилашга имкон беради. Хулоса қилиб айтсак, Ўзбекистон ўз истиқболининг устивор йўналишларини белгилаб олиб, ислоҳотлар йўлидан аниқ мақсадни кўзлаб ҳаракат қилмоқда.

Ислоҳотларимизнинг иккинчи босқичини таҳлил қилар эканмиз, жаҳон ҳамжамиятининг танланган йўлимиз тўғрисидаги баҳосини назарда тутиб, биз уни сиёсий барқарорликка, пухта ўйланган, босқичма-босқич дастурга асосланган йўл дейишимиз мумкин. Буни бутун дунё тан олмоқда.

Биз танлаган йўл республикага танг аҳволдан чиқиш, иқтисодиётни кўтариш, жаҳон ҳамжамиятида ўзининг муносиб ўрни ва қиёфасига эга бўлган мустақил давлат сифатида жаҳон хўжалик тизимига бирлашиш имконини беради. Келажагимизга биз ишонч ва умид билан боқамиз.

Ярим йиллик якунлари ҳақида гапирар эканмиз, ғаллакорларимиз эришган ютуқларни яна бир карра таъкидлаш жоиз, деди Ислом Каримов пировардида. Зеро, уларнинг меҳнат ғалабаси барчани қувонтиради, ғайратимизга ғайрат, кучимизга куч қўшади.

Бугун мана шу юксак минбардан фойдаланиб, ҳақиқий фидойилик, ҳақиқий юртпарварлик намунасини кўрсатган муҳтарам ғаллакорларимизга халқимиз, ҳукуматимиз ва шахсан ўз номимдан миннатдорлик билдираман.

Ўтиш даври мураккабликларига сабот ва чидам билан дош бериб, ёруғ келажакка ишонч билан яшаётган, меҳнат қилаётган халқимизга бахт-саодат, куч-қувват, руҳий бардамлик, хонадонларга тинчлик-тотувлик ва барака тилайман.

Бош вазир ўринбосарлари — республика «Ўзистиқболстат» давлат қўмитаси раиси Ў. Исмоилов, молия вазири Б. Ҳамидов, шунингдек, Марказий банк бошқаруви раиси Ф. Муллажонов мажлисда муҳокама этилган масалалар юзасидан ахборот бердилар.

Мажлисда республика Олий Мажлиси Раиси Э. Халилов, Бош вазир А. Муталов, Президентнинг Давлат маслаҳатчилари, Бош вазир ўринбосарлари қатнашди.

(ЎзА).

Мулоқот

ҲУҚУҚИЙ ЯНГИЛАНИШ ВА ЖАМОАТЧИЛИКНИНГ ТАЪСИР КУЧИ

Ўзбекистон Республикаси прокуратурасининг бўлим прокурори, адлия кичик маслаҳатчиси М.ТОШТЕМИРОВ билан суҳбат

САВОЛ: Муҳамадали Нурматович, мана, 1995 йилнинг биринчи ярмига ҳам якун ясалди. Шу муносабат билан Республикада жиноятчилик ва қонунбузарликларга қарши курашнинг аҳволи ҳақида қисқача гапириб берсангиз?

ЖАВОБ: Барча тармоқлар қатори ҳуқуқни муҳофаза этувчи идоралар, жумладан, прокуратура органлари ҳам жорий йилнинг биринчи ярмида амалга оширган ишлар ва келгусида режалаштирилган ҳамда мўлжалланаётган тадбирлар хусусида бўлиб ўтган республика прокуратурасининг кенгайтирилган ҳайъати мажлисида батафсил гаплашиб олдилар.

Сарҳисобларга қараганда, шу йилнинг олти ойида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларнинг ишлари ўтган йилнинг шу даврига қараганда бирмунча жонланган. Бу амалга оширган ишларимиз ва қўлга киритган ютуқларимизда ўз аксини топган.

Жиноятчиликнинг аҳволига келсак, республикада жиноятларнинг умумий сони 8,5 фоизга камайган. Шундан давлат ва жамоат мулкини босқинчилик ҳужумлари уюштириш йўли билан эгаллаш жиноятлари 17,2 фоизга камайишига эришилди, талончилик мақсадларидаги жиноятлар 24,7 фоизга қисқарди.

Худди шундай вазият фуқароларга нисбатан уюштириладиган босқинчилик, талончилик ҳужумлари каби жиноятлар тури бўйича ҳам юз берди.

Бу жиноятларни содир этувчиларни фош қилиш кескин ошишига эришилди. Автотранспортларни ҳайдаб қочиш жинояти 15 фоизга камайган. Номусга тегиш, товламачилик, валюта, порахўрлик ва гиёҳванд моддалар билан боғлиқ жиноятларнинг камайганлиги аниқланган. Ҳозирда бу туркум жиноятларнинг ўсиш сабаблари ва келиб чиқиш омиллари чуқур ўрганиб чиқилди. Энг муҳими, менинг назаримда юртбошимиз раҳбарлигида республикамизда барқарорликни, халқимизнинг тинч ҳаёт ва осойишта турмуш кечиришига тўла эришганлигимиз ютуқларимизнинг асосийсидир.

САВОЛ: Қонунга риоя қилиш учун аввало уни яхши билиш керак.

Бунинг учун прокуратура ва адлия ходимлари қонунлар ва уларни моҳияти ҳақида матбуотда тез-тез чиқиб туришлари керак. Прокуратура белгиланган тадбирларда қонун-қоидаларни аҳоли ўртасида ташвиқот ва тарғибот қилиш масалалари нечоғлик ўрин олган-у ва унинг ижроси қандай?

ЖАВОБ: Ҳа, фуқароларимиз қонунни қанчалик яхши билсалар, жамиятимизда учраб турадиган жиноят ва ҳуқуқ бузилишларни шунча кўп олди олинган бўларди. «Прокуратура тўғрисида»ги 1992 йил 9 декабрдаги Қонун билан қонунчиликни такомиллаштириш ва қонунларни тарғиб қилиш прокуратура органлари фаолиятининг асосий йўналишларидан бири эканлиги белгилаб берилди.

Ҳуқуқий янгиланиш даврида прокуратура ўз вазифасини амалга ошириш, фуқаро, жамоатчилик, меҳнат ва ўқув жамоалари орасида малакали ҳуқуқ тарғиботи ва тушунтириш ишлари олиб бориш, ўз фаолияти йўналишларида ошкораликни таъминлашга қаратилган тадбирларни бажаришни назарда тутиб, бош прокуроримиз Б.М.Мустафоев 1992 йил 2 апрелда буйруқлар чиқарди. Унда Сиз берган саволларга тўла жавоб топиш мумкин.

Республика аҳолиси ўртасида қонунларни тушунтириш ва тарғиб қилиш борасида катта ишларни амалга ошириб келмоқдамиз. Республика прокуратурасида ҳуқуқ тарғиботи ва қонунларни мужассамлаш бўлими ва унинг жойлардаги тармоқлари ёрдамида кўплаб тадбирларни ўтказишга эришилди. Прокурорларимиз одамларни ўз ихтисоси бўйича чуқур билимга эга бўлишларидан ташқари, умумий сиёсат, аҳлоқий ва ҳуқуқий билимлар билан ҳам қуролланган бўлишини жуда яхши билишади. Чунки ҳаққини тушунмаганларни, улар қанчалик ўқишни ва ёзишни яхши билмасинлар, ҳуқуқий давлатда саводли деб бўлмайди. Фуқароларимизнинг ҳуқуқий онгини ошириш мақсадида доимий равишда ахборот воситалари орқали чиқишлар қилиб турибмиз. Республика прокуратураси ва раҳбарияти бу йўналишдаги олиб бораётган ишларни доимий назорат қилиб бормоқда, амалий натижалар, бажарилган ишлар таҳлили ҳайъат йиғилишларида кўриб келинмоқда. Ўзбекистон радиоси, телевидениеси ва барча матбуот органлари билан яқин дўстона алоқаларни ўрнатганмиз. Матбуот конференцияси каби тадбирларни ҳам ўтказишни прокуратурада йўлга қўйилгани фикримиз далилидир.

САВОЛ: Бозор иқтисодиёти айни пайтда мамлакатга қонунга хилоф тарзда мол олиб келиш ва мол олиб чиқиб кетишни ҳам юзага келтирди.

Прокуратура ана шундай воқеаларга қарши қандай чора кўраяпти? Умуман. Сиз шу соҳада олиб борилаётган ишлардан қониқиш ҳосил қилаяпсизми? Контрабандага қарши янада самаралироқ курашиш учун яна қандай тадбирларни амалга ошириш зарур деб биласиз?

ЖАВОБ: Ўзбекистон давлати халқаро ҳуқуқнинг тан олган мустақил субъекти сифатида ўзига хос тарихий ривожланиш манбаларининг қонуниятларига асосланган ҳолда бозор муносабатларига ўтмоқда. Бунда у жаҳондаги ривожланган давлатларда шу соҳада тўпланган бой тажрибага асосланиб иш кўрмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг қатор қонунлари жумладан мулкчилик, корхоналар, тадбиркорлик, ижара, кооперация, ташқи иқтисодий фаолият, чет эл инвестициялари тўғрисидаги ва бошқа қонунлар, Президентимизнинг 1994 йил 21 январда чиқарган «Иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, хусусий мулк манфаатларини ҳимоя қилиш ва тадбиркорликни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони мамлакатимизда том маънодаги ислоҳотларни амалга оширишнинг ҳуқуқий асослари, шу билан бирга, ижтимоий йўналтирилган бозор хўжалиги субъектларини шакллантиришнинг манбаи ва омили бўлиб қолмоқда.

Бозор иқтисодиёти даврида айрим нафси ҳакалак отган кимсаларни қонунга зид равишда мамлакатимиздан ташқарига ва ичкарисига мол олиб чиқиш ва кириш жиноятларини содир қилиши ҳоллари учрамоқда. Булар ичида қурол ва гиёҳванд моддалар билан боғлиқ жиноятлар содир қилинаётгани барчани ташвишга солмасдан қолмайди. Таҳлилларга қараганда бу каби аксарият жиноятларни Афғонистон, Тожикистон ва бошқа чет давлат фуқаролари содир қилишмоқда. Масалан, гиёҳванд моддаларни четга қонунга зид ташиш жиноятларининг 36 фоизи, ёки ҳар учинчиси қўшни Тожикистон фуқаролари томонидан содир қилинган. Бу хил моддаларнинг Ўзбекистонга кириб келиши ўрганилганда у: Афғонистон — Тожикистон — Ўзбекистон, Тожикистон — Қирғизистон—Фарғона водийси; Тожикистон — Ўзбекистон йўналишларида кириб келаётганлиги аниқланди.

Ҳозирда, шу каби ва бошқа жиноятларнинг олдини олиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси билан Марказий Осиё давлатлари прокуратуралари ўртасида дўстона муносабатлар ўрнатилган. Ушбу дўстона муносабатларда Ўзбекистон Республикаси прокуратураси 1993 йил 22 январда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатларининг раҳбарлари томонидан имзоланган «Фуқаролик, оила ва жиноят ишлари бўйича ҳуқуқий муносабатлар ўзаро ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш тўғрисида»ги Конвенция қоидаларига асосланади.

Прокуратурамиз, Қозоғистон, Қирғизистон республикалари билан идоралараро ўзаро ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш ва ҳамкорлик тўғрисидаги Битимлар тузган. Шу йилда Россия, Украина, Германия давлатлари билан шу мазмундаги Битим лойиҳаларини тайёрлашда фаол қатнашди ва бу давлатлардан келган эксперт гуруҳлари билан ушбу масалани муҳокама қилишда иштирок этди. Германия ва ХХРнинг чет эл делегациялари ва дипломатик вакиллари билан эса учрашувлар ташкил қилишда ва ўтказишда фаол иштирок этди. Бош прокуроримиз Бўритош Мустафоев раҳбарлигида ўтган ярим йил давомида МДҲ ва бошқа давлатларнинг ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан юборилган ўзаро ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги 90 тадан ортиқ илтимосномалар кўриб чиқилди ва ҳал қилинди. Бошқа давлатларга ҳуқуқий ёрдам сўраб Ўзбекистон Республикаси прокуратураси томонидан 51 та илтимоснома юборилди. Бу борада амалга ошаётган ишларни янада жонлантириш ва «Давлат чегараси тўғрисида» Қонун тайёрланишига шунингдек юртбошимиз томонидан ишлаб чиққан минтақадаги давлатларнинг иқтисодий ва маданий жиҳатдан бирлашувини кўзда тутган «Ягона Туркистон» концепциясини ҳаётга тезроқ тўла тадбиқ қилишга эришсак, барча йўналишларда туб бурилиш ясаган ва бунга эришган бўлардик, деб ўйлайман.

САВОЛ: Илгари жиноятчиликнинг олдини олишда жамоатчилик, айниқса, маҳалла кучидан фойдаланишга алоҳида аҳамият бериларди. Бу иш амалда ўзини тўла оқлаганди. Ҳозир эса бу соҳа бироз эътибордан четда қолгандек. Айтинг-чи, республика ҳуқуқни ҳимоя қилиш органлари жамоатчиликнинг таъсир кучидан самарали фойдаланиш учун нималар қилаяпти?

ЖАВОБ: Тўғри бундан 3-4 йил олдин жиноятчиликнинг олдини олишда жамоатчилик, айниқса маҳалла кучидан фойдаланишда ҳуқуқни ҳимоя этувчи идоралар ишида бироз сусткашликка йўл қўйган эди. Ҳозирда бу йўналишдаги алоқаларимиз кундан-кунга яхшиланиб бормоқда. Жумладан республика прокуратураси ва унинг жойлардаги идоралари ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа идоралар билан ҳамкорликда жиноятчиликка ва ҳуқуқбузарликларга қарши олиб борилаётган курашларни кенг жамоатчилик билан ҳамжиҳатликда олиб боришмоқда. Прокуратура олиб бораётган жамики ишларни ахборот воситалари орқали ёритиб турли мазмунларда қилинаётган чиқишларимиздан сўнг жамоатчиликнинг фикрини ўрганиб тегишли хулосалар қилиш йўлга қўйилган. Прокуратурамиз томонидан ўтказилаётган тадбирларга кенг халқ оммасини жалб этишга ҳаракат қилишимиз жамиятда жамоатчиликнинг роли катта эканлигидан ва бунга биз ўз эътиборимизни қаратаётганимиздан далолат беради.

Келажагимиз бўлган ёш авлодни тарбиялашда жамоатчилик ва маҳалла фаолларининг роли катта.

Француз адиби Сент-Экзюпери: «Тарбия таълимдан устун туради. Инсонни тарбия вояга етказади» деб ёзганида юз карра ҳақ эди. Шу сабабли Ўзбекистон Республикасининг ҳаётий эҳтиёж ифодаси, халқ таълими ривожининг туб асоси ҳисобланган «Таълим тўғрисида»ги Қонунда ҳам бу ўз аксини топган.

Ҳозирги пайтда тарбия-бутун жамоатчилик иши. Болага муносабатда ота-онанинг ҳам, муаллимнинг ҳам, одамларнинг ҳам, миллатга, Ватанга муносабати акс этади.

Тарбияни фақат оилага ёки мактабга ташлаб қўймай, бутун жамоатчилик ҳамкорлигида, яъни ижодий уюшмалар, маҳалла қўмиталари билан амалий ҳамкорликда иш юритиш лозим.

Бундан ташқари, ота-боболаримиз: «Бир болага етти қўшни ота-она» дея бежиз айтишмаган, албатта. Ўғил ё қиз вояга етар экан, унинг табиати, аввало ўзи яшаётган жойда, ён атрофидагиларнинг таъсирида шаклланиб боради. Шу боис маҳалла, жамоатчилик, мактаб, прокуратура, суд ва милиция идоралари келажак тарбиясидаги ишларни бирга олиб боришгандагина ҳар томонлама етук, баркамол ёшларни вояга етказиш мумкин бўлади. Шундан келиб чиққан ҳолда республика — прокуратураси раҳбарияти барча прокуратура идоралари ходимларини кенг жамоатчилик билан бирга ҳамнафас иш олиб боришга алоҳида эътибор бермоқдалар. Прокуратурамиз томонидан жорий йилнинг 6 ойида юзлаб турли тарғибот ишларини жамоатчилик орасида ўтказилгани бунга бир мисол бўлади, холос.

Бошқа вилоятлардаги каби, Тошкент вилоятининг Тошкент тумани ва Чирчиқ шаҳар прокуратурасида, барча прокурор-тергов ходимлари маҳаллаларга бириктирилиб, маҳалла қўмиталарининг ишига яқиндан ёрдам бериб ҳамжиҳатликда ишлашмоқда.

«Маҳалла тинч — юрт тинч» деган иборани тез-тез ишлатамиз. Маҳаллада аҳолининг тинчлигини, ҳар бир хонадон осойишталигини қўни-қўшнилар аҳиллигини, бир-бирларига меҳр қўйиб яшашларини таъминлашда маҳалла фидойилари бўлган оқсоқолларнинг ҳуқуқни муҳофаза қиладиган органлар билан ҳамкорлиги мустаҳкам бўлса нур устига аъло нур бўлади. Мана шундай ҳамкорликни мустаҳкамлаб қўлни қўлга бериб ишлаётган маҳаллаларда йиллаб биронта ҳам жиноятнинг содир бўлмаётгани фикримизнинг далилидир.

Бундай ҳамкорликда ишлаётган маҳаллалар жуда кўп. Уларнинг тажрибасини умумлаштириш, ҳар бир маҳаллада «Маҳалла — милиция» ҳамкорлигини мустаҳкамлаш мақсадида яқинда Ҳамза тумани ҳокимлиги махсус кенгаш ўтказди. Кенгашда тумандаги барча маҳалла оқсоқоллари, ҳуқуқ-тарғибот идораларининг раҳбарлари иштирок этишди. Бу каби тадбирлар республикамизнинг барча вилоят, шаҳар ва туманларида олиб борилмоқда.

Мақсадимиз келажаги буюк бўлган Ўзбекистонимизнинг келажаги бўлган ёшларни тарбиялашга самарали ҳисса қўшишдир.

Ф. МУҲИДДИНОВ суҳбатлашди.

ДОЛЗАРБ МАВЗУЛАРДА

ВИЛОЯТ ички ишлар бошқармасида ҳар ҳафтада бир марта маърифат дарсларини ўтказиш одат тусига кирган эди. Яқинда бу ерда яна бир муҳим тадбир — илмий-амалий конференция ўтказилди. Унда ИИБнинг тергов, жиноят қидирув ва бошқа бўлимлари ходимлари, шунингдек, ДАН бошқармаси жамоаси аъзолари иштирок этдилар.

Илмий-амалий конференцияни ИИБ бошлиғи вазифасини бажарувчи, милиция полковниги О. Жалилов очди. Республика Ички ишлар вазирлиги академиясининг кафедра мудири, ҳуқуқшунослик фанлари номзоди А. Ёқубов Жиноят кодекси ҳақида, ушбу академия бошлиғининг ўринбосари, ҳуқуқшунослик фанлари доктори, профессор, ички хизмат полковниги Ғ. Абдумажидов жиноят процессуал кодексининг аҳамияти, республика ички ишлар вазирлиги тергов бошқармаси бўлим бошлиғи А. Тошпўлатов маъмурий жавобгарлик борасидаги вазифалар ҳақида маъруза қилдилар. Тошкент вилояти прокуратураси бўлими бошлиғи Қ. Мирзажонов, тергов бошқармаси бошлиғи И. Усмонов тингловчиларни қизиқтирган саволларга жавоб бердилар.

М. МИРСОВУРОВ,
Тошкент вилояти ИИБ бўлими бошлиғи, милиция подполковниги.

Пахтачилик ва ислоҳот

ПАХТАНИНГ 70 ФОИЗИ МАШИНАЛАРДА ТЕРИЛАДИ

Бу йил вилоятимизда етиштирилган жами пахта ҳосилининг 70 фоизи машиналар билан териб олинади. Далаларда 1911 та комбайн ишлайди. Улардан ҳозир 60 фоизи мавсумга тахт. Сўнгги муддат — 20 август.

Куни кеча матбуот саҳифаларида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «1995 йилда пахта йиғим-терим мавсумини ўтказишнинг ташкилий-иқтисодий чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори эълон қилинди. Унда қишлоқ хўжалик вазирлиги, «Ўзқишлоқхўжаликтаъминоттузатиш» давлат-кооператив қўмитаси, вилоят ҳокимлари ва бошқа маҳкамалар зиммасига масъулиятли вазифалар юкланди. Мазкур ҳужжатда, жумладан: «Шу йилнинг 20 августига қадар пахта териш техникаси тўлиқ тайёр ҳолга келтирилсин» дейилади.

Вилоятимизда айни кунларда янги пахта териш мавсумига тайёргарликнинг бориши қандай? Терим техникасини созлаш ва таъмирлаш ишлари қандай бормоқда? Ана шу саволлар билан биз вилоят қишлоқ хўжалигини техника билан таъминлаш ва таъмирлаш бирлашмасининг раиси Ҳикмат ҚУДРАТОВга мурожаат қилдик. Қуйида унинг юқоридаги саволларга жавоб тариқасидаги мақоласини чоп этаётирмиз.

ЭРТАГИ, мўл ва сифатли ҳосил етиштириш пахтачилигимизда асосий тамойилдир, деяпмиз. Бу иқтисодий ислоҳотларни ўтказиш мантиғи ва моҳиятидан келиб чиқувчи энг тўғри, истиқболли йўлдир. Шу жиҳатдан олганда пахтачиликни, айниқса, йиғим-терим ишларини механизациялаш, теримчининг оғир қўл меҳнатини енгиллаштириш, деҳқон тер тўкиб етиштирган ҳосилни ёғин-сочинли кунларга қолдирмай ўз вақтида ва нес-нобуд қилмай йиғиб-териб олиш ана шу тамойилнинг асосий йўналишларидан, дейиш мумкин.

Президентимиз нутқлари мазмунидан келиб чиқувчи «Пахтани октябрдаёқ йиғиб-териб олишнинг имкони борми?» деган савол бевосита бизга ҳам тааллуқлидир. Маълумки, вилоятимизда давлатга пахта топшириш режалари сурункасига бир неча йиллардан буён бажарилмай келмоқда. Хўш, бунга сабаб нима?

Бу аҳволдан қутулишнинг иложи борми?

Бундай саволлар пахтакорларимиз юрагида ҳам йиғилиб қолган. Улар биз билан учрашиб қолишса доим: «Қачон техникага ёлчиймиз, қачон дардисар техникадан қутуламиз? Бизда чет эл билан рақобатлаша оладиган тайин бир технология борми ўзи ёки йўқми? — деган саволларни ёғдиришади. Бундай чуқур ўйлаб қаралса, улар ҳақ. Беҳуда ташвишланиб, бекорга қайғуришаётгани йўқ улар.

Шамол бўлмаса, теракнинг барги қимилламайди. Ўтган йиллар якунлари таҳлили биздан жиддий сабоқ ва зарур хулоса чиқаришни, аҳволни тубдан қайта ўнглаб олишни тақозо этади. Ислоҳотлар кўлами, ҳозирги бозор муносабатлари олдимизга ана шундай талабларни кескин қилиб қўймоқда. Ўз ишига, ўз фаолияти натижаларига ана шу талаб ва тамойиллар нуқтаи назаридан ёндошган, унга тўғри баҳо бера олган жамоаларгина бирон-бир ўзгариш ясашга қодир. Биз ҳам худди шунга амал қилиб келяпмиз. Қишлоқ хўжалигини моддий-техника жиҳатдан таъминлаш ва мавжуд техникаларни сифатли созлаш, таъмирлаш борасида изланяпмиз, бор имкониятларни ишга соляпмиз.

Тўғри, ҳозир қийин бир вазият юзага келди. Янги техникалар сотиб олиш учун хўжаликлар жамғармасида етарлича маблағ йўқ ва устига-устак теникаларнинг нархи осмону фалакка чиқиб кетди. Шу боис ҳозирча эски техникалардан фойдаланишга мажбурмиз. Эхтиёт қисмлар билан боғлиқ аҳвол янада мушкулроқ. Бу ўз навбатида шундоқ ҳам оғир ўтаётган йиғим-терим ишларида қўшимча қийинчиликлар вужудга келтириши шубҳасиз. Қисқаси, кейинги йилларда пахтакорларимизга осон бўлмаяпти. Бир томондан, ҳосилнинг кеч етилиши, табиат инжиқликлари панд берган бўлса, иккинчи томондан эхтиёт қисмлар танқислиги туфайли яхши созланмаган эски техника ишончни оқламади. Ёнилғи-мойлаш материаллари етишмаслиги ҳам ишга ҳалал берди.

Ҳозир аҳвол анча ўнгланиб бормоқда, дейиш мумкин. Мавоза йўли билан Россия, Украина, Беларусь ва бошқа ҳорижий мамлакатлардан қишлоқ хўжалигимизга зарур янги машиналар, уларга керакли эхтиёт қисмлар олиб келинмоқда. Бугун бирлашмамиз ихтиёрида 50 миллион сўмлик эхтиёт қисмлар мавжуд. Яқин кунларда у ўз мижозлари қўлига бориб тегади.

Бу йил вилоятимиз хўжаликларида 108 минг гектар майдонда пахта етиштирилмоқда. Ана шу майдонлардаги пахта ҳосилининг 70 фоизи машиналар билан йиғиштириб олинади. Теримни жадал суръатлар билан ўтказиш учун 1911 та терим машинаси бўлиши талаб этилади. Ҳозирги кунда 2145 та терим машинаси бўлиб, бу йилги пахта теримида 1911 таси қатнашади. Фойдаланиш учун мутлақо яроқсиз бўлган 234 та эски машина хўжалик ҳисобидан бутунлай чиқариб ташланиши керак. Ана шундан ҳам кўриниб турибдики, жойларда янги ҳосил мавсумига ҳар томонлама пухта ва жиддий ҳозирлик кўриш лозим бўлади. Вилоятда эълон қилинган зарбдор 45 кунликка биз ҳам фаол қўшилиб, техникани таъмирлаш ишларини янада жонлантиришимиз, мавжуд барча техникани сўнгги муддат — 20 августгача тўла сифатли созлаб қўйишимиз шарт.

Хўш, жойларда техникани таъмирлаш билан боғлиқ ишларнинг бориши қандай? Шу кунгача 1911 та пахта териш машиналарининг 60 фоиздан зиёдроғи мавсумга тахт қилиб қўйилди. Вилоят хўжаликларидаги мавжуд кўсак териш машиналарининг 47,5 фоизи, кўсак чувиш техникаларининг 50 фоизи, пахта ортиш мосламаларининг 86,5 фоизи, пахтани қоп-қанорсиз ташийдиган трактор тиркамаларининг 78 фоиздан ортироғи шай ҳолга келтирилди. Аммо бу қаноатланарли кўрсаткич эмас. Кейинги вақтда ўтказилган текширишлар бир қанча туман ва хўжаликларда пахта териш машиналарини мавсумга тайёрлаб қўйиш ишлари жуда суст олиб борилаётганини кўрсатди. Масалан, бу борадаги ишлар Янгийўл туманида бор-йўғи 28 фоизга, Пискент туманида 41 фоизга, Чиноз туманида 48 фоизга, Бўка туманида 49 фоизга бажарилган, холос.

Энг афсусланарли томони шундаки, пахтамиз бу йил 10—15 кун илгари етилиши кутилаётган ва йиғим-терим мавсумигача жуда оз вақт қолганига қарамай кўпгина хўжаликларда техникаларни таъмирлаш билан ҳеч ким шуғулланмаяпти. Агар қишлоқ хўжалик машиналари саройида бирор кимсани учратиб қолсангиз, у ҳам бўлса ўз дардини — бирон зарур эхтиёт қисмини ечиб олиб кетиш учун бу ерга келган. Баъзи хўжаликларда заруратдан ечиб олинган эхтиёт қисмлар ўрнига бошқаси ўрнатилган бўлсада, аксарият холларда, ҳаттоки, эскиси ўз ўрнига олиб келиб қўйилмаган. Бундай техникани қандай қилиб биз энди мавсумга шай, дея оламиз? Бундай хўжасизликка, масалан, Бўка туманидаги Ғ. Азаматов номли ва Қуйичирчиқ туманидаги «Меҳнатобод» жамоа хўжаликларида дуч келдик. Аслида эса, шундай хўжасизликлар бошқа жойларда ҳам кўплаб учрайди.

Ана шундай хўжасизлик оқибатида вилоятимизда жуда кўплаб пахта териш техникаси яроқсиз аҳволга келиб қолган. Уларни бутлаб мавсумга тўла шайлаш учун 55,5 миллион сўм маблағ зарур. Ёки бошқача қилиб айтганда, таъмирланмаган ҳар бир пахта териш машинасини созлаш ўртача 67,2 минг сўмга тушади.

Вилоят туманларидаги таъмирлаш ишлаб чиқариш корхоналари 1995 йилнинг биринчи ярмида қишлоқ хўжалик техникалари, уларнинг узеллари ва агрегатларини таъмирлаш ҳамда етказиб бериш юзасидан бирмунча ишларни амалга оширдилар. 143 та пахта териш машиналари, 69 та кўрак чувиш ва 24 та кўсак териш машиналари, 491 та пахта териш машиналарининг аппаратлари тайёрлаб қўйилди. Аммо минг афсуски, хўжаликлар уларни олиб кетиш ҳақида қайғураётганлари йўқ.

Яна бир бор қайтариб айтаман, бу йил вилоятимиз пахтакорлари учун катта синов йили. Пахта йиғим-теримига кириши-ладиган кунларга жуда оз вақт қолди. Вақт ғанимат. Кузнинг қандай келиши эса маълум эмас. Шунинг учун йиғим-терим ишларини уюшқоқлик билан ўтказиш, давлат режа топшириқларини барвақт бажаришда ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган пахта териш машиналарини ўз муддатида сифатли созлаб қўйиш шу куннинг энг долзарб вазифасидир. Бу масала доимо жойлардаги ҳокимликлар, шу соҳа идораларининг мутасаддилари, хўжаликларнинг раҳбарлари диққат-эътиборида бўлиши керак.

Пахта териш машиналарини 20 августга қадар мавсумга тўла тахт қилиб қўйиш учун биринчи галда жойларда туман деҳқончилик саноати уюшмалари ҳамкорлигида барча хўжаликларда зудлик билан мавжуд техникани мавсумга тайёрлаш аниқ жадвалини тузиб чиқиш ва унинг амалга оширилишини пухта ташкил этиш керак. Хўжаликлардаги тайёр бўлмаган ҳар бир терим техникасини алоҳида механизатор ва чилангарга бириктиб қўйиш, созланиши керак бўлган мавжуд барча техникани шошилинч таъмирлаш, механик-ҳайдовчиларнинг қисқа муддатли ўқишини ташкил этиш ва механизаторлар малакасини ошириш айни муддаодир.

Бирлашма корхоналарида техникани мавсумга тайёрлаш бугунги иқтисодий қийинчилик шароитини ҳисобга олиб зарур эхтиёт қисмларни келтириб қўйиш юзасидан кенг кўламдаги ишлар олиб борилмоқда. Ҳозирги кунда омборларда 3200 та терим машиналарининг шпинделлари, 2600 та шетка, ғўзани механик усулда чилпийдиган мосламалар учун эхтиёт қисмлар — тасма ва пичоқлар тайёрлаб қўйилган. Булардан ташқари чопиқ тракторларининг двигателларини таъмирлаш учун гильза ва поршенлар, тирсакли валлар таъмирлаш корхонамизга тақсимлаб берилди.

Яқинда Оққўрғон туманида бўлиб ўтган вилоят фаоллари йиғилишида жиддий бир муаммони зудлиқ билан ҳал этиш масаласи ўртага ташланди. Ҳамма зарур шарт-шароитлар мавжуд бўлиб туриб, нега энди айрим агрегатларни таъмирлаш учун олисга жўнатамиз. Таъмирлаш ишлари бир неча ой вақт олади. Бу етмагандай яна сифати жуда паст. Шу ишларни ўзимизда ташкил этсак бўлмайдими?

Бу жуда ҳақли талаб. Уни амалга ошириш учун фақат бироз вақт керак. Муаммо албатта ҳал бўлади. Ҳаракатини қилаяпмиз.

Мен шуни ишонч билан айтмоқчиманки, шубҳасиз, бу йил вилоятимизда пахта йиғим-терими ҳар қачонгидан кўра уюшқоқлик билан бошланади. Пахтакорларимиз синовдан шараф билан ўтиб, ўз эзгу мақсадларига эришадилар.

Ҳикмат ҚУДРАТОВ,
вилоят қишлоқ хўжалигини техника билан таъминлаш ва техник таъмирлаш бирлашмасининг раиси.

БИРИНЧИ ҚАЛДИРҒОЧЛАР

ОЛИМ ва журналист Ҳайдарали Узоқов ўтмишда нашр этилган матбуот турлари ва уларнинг тақдири, журналистларнинг даврга нисбатан ижтимоий-сиёсий муносабатлари хусусида қатор илмий изланишлар олиб бормоқда. Қуйидаги мақола ҳам ана шу изланишлардан биридир. Бунда билдирилаётган мулоҳазалар, тарихий маълумотлар тарихчиларни, хусусан, муштарийларни бефарқ қолдирмайди, деган умиддамиз.

ТАДҚИҚОТИМИЗНИНГ индаллоси шуки, мустақиллик учун курашда 10-20-йилларда фаолият кўрсатган энг муҳим матбуот нашрлари ва уларда хизмат кўрсатган етук журналистларимизнинг инсоний қиёфаси, миллат, ватан, диёнат, дин ва иймон йўлидаги нуқтаи назарларини истиқлол омиллари тарозиси билан ўлчаб тарих оламига бир янги саҳифа сифатида олиб киришдир.

Жадидчилик ҳаракати 10-йилларга келганда ўлкада кенг қулоч ота борди, бу нарса биргина халқ таълими, санъат соҳаларидагина эмас, айниқса, матбуот жабҳаларида ҳам изчил давом эта бошлади. Жадидизм байроғи остида бош кўтариб, миллат озодлиги ва туркийлар бирлиги учун отланган нашрлар, уларнинг журналист ва олимлари инқилобгача бўлган даврлардаёқ ҳайрли иш бошлаган эдилар.

Бундай нашрлар сирасига кирадиган «Самарқанд», «Садои Фарғона», «Садои Туркистон» каби газеталар ва «Ойина», «Ал-ислоҳ» журналлари, «Нажот», «Шўрои ислом», «Хуррият», «Кенгаш», «Турк эли», «Улуғ Туркистон» «Турк сўзи» сингари газеталар ҳамда «Орт», «Чаён», «Изҳорилҳақ» сингари журналлар оқ империянинг зулми ва безориликлари, ўғриликлари ва иймонсизларча иш тутишларига қарши ўзларининг янгича қарашлари ва мустақиллик йўлида олиб бориладиган ишларини тарғиб қила бошладилар.

— Жадидлар,— деган эди атоқли журналист Ашурали Зоҳидий,— миллатнинг озодлик ва мустақиллик йўлидаги сайъ-ҳаракатларини матбуот орқали элга билдирурлар. Бу курашувчилар матбуоти миллатнинг бошқалар томонидан «юритилишини», энг асосан, иқтисодий қарамлик ва илмсизликдан, ноиттифоқчиликдан, шафқатсизликдандур, деб фаҳмлайдур ва тўғри иш қиладур (А. Зоҳидий «Садои Фарғона», 1914 йил 11 июль).

Кўринадики, жадидлар дунёқарашининг ибтидосида, бир сўз билан айтганда, иқтисодий буҳрон ва саводсизлик муаммоларини очиб ташлаш ётар эди. Матбуот масаланинг ана шу нозик томонларини рўй-рост очиб бера бошлаган эди.

10-йилларнинг бошларидан жадидизм ҳаракатини Беҳбудий бошчилигида кенг жабҳа бўйлаб ёйилиши бутун дунё туркийлари орасида катта воқеага айланди. Беҳбудийнинг «Самарқанд» газетаси бутун вужуди билан жадидчилик ҳаракатини кенгайтирди. Олдинлари ҳаётнинг маълум соҳасида янгиликни тадбиқ этишдек торроқ доирада чиқа бошлаган газеталардан фикрий қобилияти кенг бўлган «Самарқанд» «Маҳаллий туркий ва форсий ўрта шевада илм-фан, адабиёт, тижорат, ҳунар ва зироатдан, Русия аҳволи ва маданияти ва хорижия мамлакатлари ҳолидан ва олами ислом тириклигидан ёзгувчи маданият мусаввир (тасвирланган) жаридадур» деган мақсад ила фаолият кўрсатди. Бу газетанинг кенг фаолият кўрсатишига ва миллат руҳини шод этувчи материалларнинг берилиб борилишига таниқли журналистлар — қўқонлик Мирзоҳид Мироқилов, самарқандлик Акобир Шомансуров, ХожиМуйин, Рожий, Саид Ризо, Мулла Иброҳим, Сиддиқий ва Нусратилло Миллий кабилар катта ҳисса қўшганлар. Бу алломалар ўша 10-йилларнинг етук журналист ва зиёлилари эдилар.

Ўзбек миллий турмуш тарзида кенг илдиз отиб, ҳатто, Миср, Ҳиндистон, Арабистон, Туркия, Эрон, Афғонистон сингари мамлакатларга ҳам ўзининг иқтисодий, сиёсий мустақиллик руҳидаги мақола ва хабарларини тарғиб этиш борасида жадидчилик ҳаракати томонидан катта иш олиб борилган эди. Бу саъй-ҳаракатлар асли адвокат касбида бўлган, «Садои Туркистон»нинг бош муҳаррири Убайдуллахўжа Асадуллахўжаев бошлиқ йирик журналистлар — Мунаввар қори, Рауф Музаффаров, Абдулла Авлоний, Тўлаган Хўжамёров, Тавалло, Саиднасир Миржалилов, Ҳамза Ҳакимзода, Холид Саид, Чўлпон, Мўмин Кофир, Абдулла Эрғозиев, Нуширавон Ёвушев, Лутфулла Олимий, Мулла Саид Аҳмад Васлий, Фузайил Жонбоев, Бадриддин Аъламий, Шокиржон Раҳимий кабиларнинг миллий қадриятлар ва миллий бирлик ҳамда туркий иттифоқликни тарғиб этувчи мақолалари орқали рўёбга чиққан эди. Аммо бу газетанинг узоқ яшашига империячи ғаламислар имкон бермади ва у 66-сонидан сўнг ёпиб қўйилди.

1917 йилнинг 16 майидан А. Баттол муҳаррирлигида Тошкентда чиқа бошлаган «Шўрои ислом» газетасида босилган материалларнинг руҳида кўпроқ «Туркистон элидоғи туркларнинг бошида Русиянинг бошқа вилоятларида яшаган турклар билан муносабат ва алоқаларни зиёдалаштириш, мактаб ва мадрасаларнинг ислоҳ йўлларини кўрсатиш ва шунга ўхшаш масалалардан баҳс этиш»дек пантуркистик ташвиқот ётарди.

Жадидчилик ҳаракати орқали миллатнинг бутлиги, турк ва ислом бирлигини улуғлаш ва шу орқали босқинчилар зулмидан озод бўлишни ташвиқ ва тарғиб қилиш, шу йўл билан мустақил бўлиш, истиқлолга эришишни кўзда тутувчи баркамол мақолалар «Улуғ Туркистон» газетасида изчил босила бошланди.

Газетага Кабир Бакир муҳаррир бўлгач, унинг мазмундорлиги янада ошди. Унда чоп этиладиган материалларнинг моҳиятида чор тузуми ва истибдодига қарши ёзилган мақолалардангина эмас, ҳатто, янги тузум — Шўрони ҳам тан олмаслик, айниқса, большевикларни эътироф этмаслик руҳи кучли эди.

Мустақиллик ва матбуот

Ана шу ўринда Зиё Саиднинг бир шарҳини келтиришни ўринли деб топамиз:

«...Кабир Бакир ишга бошлайди. Тошкентдаги бир неча бой ва зиёлиларнинг иштироки билан тузилган «Нашриёт» ширкати китоб магазини очади ва бир кишининг хусусий «Надежда»— Умид деган матбаасини сотиб олиб, газетани шу матбаада чоп эттиради. Шиори: «Яшасин миллатлар мухторияти!». Муҳаррири «уста сиёсатчи» бир киши бўлғонликдан бунда ёзиладиган мақолалар кўпинча муҳофазакорлик тўнини кийиб чиқар эдилар».

Бу газета Муваққат ҳокимият тугатилгач, Октябрь инқилоби ғалаба қилгач, унинг қўлига ўтди ва ғоявий йўналиши сусая борди. Атоқли ёзувчи ва журналистлар Ғози Юнус, Туриддин Сайфулмулуқов, Абубакир Диваев, Мухтор Бакир, Халиф Тўлаков, Лазиз Азиззода кабилар ва уларнинг мақолалари янги тузум қолипига сиғмай қола бошлади. Оқибатда, орадан кўп вақт ўтмай бу газета ҳам ёпиб қўйилди.

Ўтиш даври, яъни муваққат ҳокимият ва Шўро даври оралиғида фаолият кўрсатган «Чаён» сатирик журнали эса ҳар икки тузумнинг ҳам юзини очиб берувчи ҳажвий материалларни бериб борди.

Ашурали Зоҳидий ўзининг ўзбек матбуотига берган олти йиллик ҳисобот-мақоласида мазкур журналдаги мақолалар ва журналистлар савияси ҳақида гапириб, «Чаён» агар шу йўлинда борғонида эди, у «Муштум»дан икки чандан ўткир кулги олиб келган бўлар эди. Афсус, унда айтилгон ва ўртаго қўйилгон масъалалар, янгиликлар Ориф ва Зиё оғаларға ўхшаш ибдошларга ёқмасдан, уни маҳкам беркитдилар», деб ёзган эди. (А. Зоҳидий, Олти йиллик ўзбек адабиёти (босма сўзи)га бир қараш. Фарғона, 1924 йил июнь, № 18).

Атоқли ўзбек ёзувчиси ва ташкилотчи журналист Шокир Сулаймон эса инқилобгача ва инқилобдан сўнгги ўн йиллик ўзбек матбуоти тарихи ҳақида гапирганда, қуйидаги ибратли сўзларни келтирган эди: «Изҳорилҳақ» ва «Эл байроғи» нашрлари туб томир билан жадидчиликнинг, яъни янгича турмушнинг яловбардорлари эди. Булар пантуркистларнинг фикри-зикрини рўёбга олиб чиққанлар бўлсалар, Шўро матботида бу ғоялар анча пасайди ва сўссиялизм ғоялари томон йўлга бурилди».

Хуллас, инқилобгача бўлган матбуот ва улар саҳифаларида берилган материалларнинг ғоявий мазмунида халқ хўжалигининг турли жабҳаларига доир муаммолар ечими анча очиқ шаклда яъни чор ҳукуматидан тап тортмаган ҳолда чиқишлари ила кўринарди. Ўта сиёсий гаплар, ҳукуматга ва унинг раҳбарларига тегиб кетадиган материаллар бўлса, у тақдирда уларнинг мутасаддилари-ю, журналистларига нисбатан қаттиқ чора кўриларди. Кўрилган чоралар ҳам ё матбуот-нашрни ёпиб қўйиш ёки солиқ солиш, журналистларни қасам ичтиришдан иборат бўларди. 10-йилларга келганда чоризм амалдорлари туркистонликларнинг жадидчилик ҳаракатларидангина хавф сезардилар. Шу боис улар кўпроқ ўрис-тузем мактаблари очиш орқали уларни жиловласалар, уларнинг матбуотлари орқали бу ҳаракатнинг кенг жабҳа бўйлаб ёйилиб кетишидан жуда қўрқардилар. Улар жадидчилик ҳаракати тагида панисломистик ва пантуркистик қарашлар кенг қулоч отаётганлигига шубҳа қилмасдилар. Бу ҳаракатнинг оммавий тус олиши ва кенгайиб кетишидан жиддий ташвиш тортардилар. Шу сабабли ҳам Николай амалдорлари Ўрта Осиёда жадидчилик ҳаракати авж олаётган шаҳарлар ўша 1916 йилда, мардикорликка олиш тўполонидан кейиноқ генерал Куропаткин ва Фон Кауфман томонидан маълум схемада белгиланиб қўйилган эди. Бу схема 1929 йилда нашр этилган К. Рамзиннинг «Ўрта Осиёда ўзгариш» номли альбомида карта тарзида қайта ишланиб, китобхонларга ҳавола этилган эди.

Альбомда қуйидаги шаҳар ва вилоятларда 17-йилнинг бошларигача фаолият кўрсатган жадидлар ташкилотлари берилган. Бунда Хивада, Туркистоннинг Ленинскийсида, Керкида, Термизда, Ғузорда, Беҳбудийда, Бухорода, Самарқандда, Тошкентда, Қўқонда жадид ташкилотлари фаолият кўрсатиб келганлиги алоҳида таъкидланган эди. Ана шу жадид ташкилотлари бор жойда кўпинча газета-журналлар чоп этилгани ва янги усул жадид мактаблари бор эканлиги махсус белгилар билан кўрсатилган. Шу аснода Бухорода, Самарқандда, Тошкентда газета-журналлар чоп этиладиган нашриётлар фаолият кўрсатган. Мана шу нашриётлар орқали чиққан барча матбуот афкорлари бутун Туркистон, ҳатто, чет эллардаги мусулмонларни ҳам таъминлаб келган.

Ўзбек миллий матбуотида жадидчилиқ ҳаракатининг авж олиши ва ўсиши 10-йилларнинг охирларига кенг қулоч ёзди. Бундай бўлишига сабаб, бу даврларда ўлимга маҳкум этилаётган оқ империя аниқ талвасага тушиб, бошқача айтганда, бутун Россияда бош кўтариб келаётган ва беаёв қамчисини Николай истибдоди мутасаддилари устида гир айлантираётган ленинчи қизил империя, уларнинг ниҳоятда тинкасини қуритаётган шаҳар ва қишлоқларда тез-тез тўполон ва инқилобий қўзғолишлар бўлиб, эски тузумнинг инқирозини белгилаш авж олаётганлиги эди.

Тузумнинг оқ ва қизил рангга тусланганликлари, зулми ва дағдағадаои оқибатида гир айланган ўзбек зиёлилари, журналистлари фаолиятлари, инқилобдан олдинги ва 30-йилларгача бўлган даврлари халқимиздан яшириб келинди. Эндиликда бу ҳеч кимга сир эмас.

Ўша машъум Кауфман муҳаррирлигида чиққан «Туркистон вилоятининг газети»дан тортиб, «Ўрта Осиёнинг умргизорлиги тараққий»(1905), «Тараққий» (1906), «Хуршид» (1906), «Шуҳрат» (1907), «Тужжор» (1907), «Осиё» (1908), «Самарқанд» (1913), «Садои Фарғона» (1914), «Садои Туркистон» (1914), «Нажот» (1917), «Шўрои ислом» (1917), «Турон» (1917), «Хуррият», «Кенгаш», «Эл байроғи», «Фарғона нидоси», «Турк эли», «Улуғ Туркистон» (1917) сингари газеталар ҳамда «Ойина» (1913), «Ал-ислоҳ» (1915), «Кенгаш» (1917), «Юрт» (1917), «Чаён» (1917), «Ишчилар дунёси», «Изҳорилҳақ» (1918) сингари журналларни оёққа турғазган, ташкил этган ва халқаро майдонга кўтариб чиққан журналистларимиз — биринчи қалдирғочларимизнинг муқаддас номлари ҳозир ҳам халқимизга яхши таниш эмас.

Бундай етук журналистларимиз деярли бутун ижтимоий-сиёсий фаолиятларида, умрлари давомида истиқлол учун, мустақиллик учун, халқимизнинг бахт-саодати учун курашлилар ва бу йўлда жонларини қурбон қилдилар. Уларни эсламоқ ва хотираларини тикламоқ хайрли иш бўлур эди.

Ҳайдарали УЗОҚОВ.

Ғалла — ризқ-рўзимиз

ҚИСҚА МУДДАТДА ТУГАЛЛАДИК

ПОЁНИ йўқ далаларда ҳали тонг отмай қўлига ўроқ тутган одамларни, ё бўлмаса, қуёш ҳароратига бардош бериб, комбайнни бошқараётган азаматларни кўрганимда тўлқинланиб кетаман. Бугунги ғалла сиёсатини тўғри тушуниб, эртанги ёруғ келажакка ишонч билан қараб фидойиларча меҳнат қилаётган бу кишилар бир мақсад йўлида — умуммманфаатни кўзлаб астойдил ғайрат кўрсатмоқдалар.


Бригадамиз бу йил 28 гектар майдонда буғдой етиштирди. Вақтида суғориш, вақтида озиқлантиришимиз туфайли ер саховатини аямади. Гектаридан 41 центнердан ҳосил олинди. Энг муҳими, ўримни жуда қисқа муддатда ўтказиб, бўшаган заминга озуқа ва сабзавот экинларини экиб олдик. Бор ғалла ҳосилини омборларга етказиб бергандан кейин бригада бошлиғи сифатида дон етиштириш ишларини бир-бир таҳлил этдим. Илгарилари бу соҳада вақти-вақти билан оқсашлар ҳам рўй бериб турарди. 3 йилдирки, жамоа хўжалиги бошқаруви олдида юзимиз ёруғ. Бунга осонликча эришмадик. Авваллари нав танлаш билан ишимиз бўлмасди. Нимани беришса хўп деб, шуни экаверардик. У ўзини оқламасди. Эндиликда ернинг хусусиятини билиб олиб, кейин навни танлаб экишни одат қилдик. Хусусан, бизнинг майдонлар учун «Бахт», «Интенсив» навлари қулай экан. Уларни эккач, фосфор, аммофос билан озиқлантирдик. Ўтган йил сентябрда бир марта сув ичди. Баҳорда эса икки марта қондириб суғорилди.

Ҳосил бўлиқ ва мўл бўлди. Уни қисқа муддатда йиғиб олиш чоралари кўриб қўйилган эди. Иброҳим Қидирбоев, Маъсуд Мамбетов, Фахриддин Эшбоев сингари комбайнчилар кунига 8-10 гектар ердаги донни ўриб-йиғиб олишга муваффақ бўлдилар. Бригадада ғаллани йил давомида парвариш қилган А. Ҳакимов, А. Беркинбоев, К. Шералиев, Б. Илёсов каби ижарачи-ғаллакорлар комбайнчиларга зарур шарт-шароитларни яратиб бердилар.

Жамоа хўжалигимиз бошқаруви мавсум олдида ишлаб чиққан тадбир ҳам қўл келди. Шунга мувофиқ 50 гектар ердаги буғдойни ўриб берган комбайнчига 500 килограммдан, қўл ўримининг бир гектарига ҳам шунчадан ғалла бепул ажратилди.

Моддий манфаатдорлик ишнинг муваффақиятини таъминлади. Ўрим-йиғимни 18 иш кунида тугалладик. Шуни айтмоқчиманки, бригадамизнинг бундай ютуққа эришувида жамоа хўжалиги бошқаруви аъзоларининг ҳиссаси катта бўлди. Улар бригадамизда тез-тез бўлишиб, фойдали маслаҳатлари, техника билан ёрдам бериб турдилар. Мана бу йил ҳам бригадамиз ўз аҳдининг устидан чиқди. Йиллик режани ортиғи билан бажардик. Энди куч ва ғайратимизни далаларда етиштираётган бошқа экинлар парваришига қаратамиз.

Ж. ШЕРАЛИЕВ,
Оққўрғон туманидаги Акмал Икромов номли жамоа хўжалиги бригадаси бошлиғи.



Зангиота туманидаги уруғчиликка ихтисослашган «Бўзсув» фермер-деҳқонлар уюшмаси жамоаси бу йил ҳам қишлоқ хўжалиги экинларидан мўл, сифатли ҳосил етиштирмоқдалар. Айни кунларда ҳосилни йиғиб олиш ва уруғ тайёрлаш ишлари қизғин бораяпти. Хўжаликда Голландия усулида ўстирилган картошкадан ҳам баракали хирмон кўтарилди.

Суратда: картошкани кавлаб олиш пайти.

А. АБАЛЯН олган сурат.

ИЖАРАЧИЛАРНИНГ КАТТА ХИРМОНИ

ДАЛА шийпонида ўроқчилар тушлик қилишяпти. Бироз ҳордиқ чиқаришгач, яна ишга тушиб кетишди. Ёзнинг жазирама иссиғида, ял-ял ёнаётган далада ғалла ўришнинг ўзи бўлмайди.

— Ғалла ўраётганларга ҳозир осонмас, — дейди «Туркистон» жамоа хўжалиги раиси Жўрақул Отақулов фикримизни англаб олгандай. — Лекин, илож қанча. Вақт ғанимат. Ўрим кечикса, ҳосилни йўқотамиз. Уйимизга кирадиган дон-дун, рўзғор баракасидан маҳрум бўламиз. Одамларимиз буни яхши билишади. Шунинг учун жон куйдириб ишлашяпти

Ғалла ўрими машаққатини бошимиздан кўп кечирганмиз. Шу боис мавсумга олдиндан пухта ҳозирлик кўрдик. Аввало, далада ишлаётганлар учун ҳамма шарт-шароитларни муҳайё этиш, ғаллакорлар меҳнатини муносиб тақдирлашни ўйладик. Аниқ чора-тадбирлар белгиладик. Мана ўзингиз гувоҳи бўлиб турибсиз, шийпонда бугун яна бир қўй сўйилди. Уч маҳал бепул иссиқ овқат ташкил этилган. Чой, янги териб келинган боғ ноз-неъматлари бир нави, ҳатто, чанқовбости ичимликлар билан ҳам таъмин этиб қўйганмиз.

Олтин бошоқларда, табаррук ризқ-рўзимизда бу йил барака катта. Айниқса, ижарага ер олиб, ғалла етиштирган оилавий жамоаларда ҳосилнинг чўғи баланд. Уларнинг кўплари аллақачон шартнома шартларини ошириб бажариб қўйишган. Жумладан, Ҳамид Бегматов бошлиқ оилавий пудрат жамоаси 43 гектар ғалла майдонининг ҳар гектаридан 40 центнердан, Маҳамад Тўрақулов бошлиқ пудратчи оила ҳар гектардан 45 центнердан, Холмурод Умаров, Мутал Ҳасанов, Султон Нуроқовлар бошлиқ жамоалар 40 центнердан ошириб дон ўриб-янчиб олдилар.

— Ўтган йили кузда хўжалигимиздаги 450 гектар ғаллазор хоҳиши, тажрибаси ва ишга яроқли одамларнинг сонига қараб, 19 та деҳқон хонадонига ижарага бўлиб берилган эди, — дейди жамоа раҳбари. — У ўзини тўла оқлади. Мулк шаклининг бошқача бўлгани ишга муносабатни ҳам бутунлай ўзгартириб юборди. Меҳнат интизоми мустаҳкамланди, ишнинг пировард натижаси учун жавобгарлик, масъулият ошди. Мана, бугун унинг самарасини кўриб турибмиз. Ғалла яхши парваришлангани, экинлар пайҳон бўлишдан тўла муҳофаза қилинганлиги туфайли мўл ҳосил етиштирилди.

Раис ҳақ гапни айтди. Бу йилги ҳосил баракаси, аввало, одамларнинг тадбиркорлик билан сидқидилдан қилган меҳнатлари мевасидир. Ана шу ҳосил баракасини қўлдан бермаслик учун ўрим-йиғим ишларига ҳам ҳар томонлама пухта ҳозирлик кўрилди. Ҳамма техника кучлари бир вақтда тўла шай ҳолда ўримга киришди. Айрим ижрачи оилалар ўз ғаллаларини ўз кучлари билан ўриб олиш ташаббуси билан чиқдилар. Қўл ўрими бу мавсумда оммавий тус олди.

Комбайнчилар ака-ука Беликовлар ва Маҳамбет Бекбоев маҳорат ва юқори унум билан ишладилар. Кунда 7-8 гектар майдондаги ғаллани ўриб-янчиб беришга муваффақ бўлдилар.

Ана шу фидойи кишилар ғайрат-шижоати билан хўжаликда давлатга ғалла сотиш режаси қисқа муддат ичида ошириб ўринланди. Чиғириқ дон қабул қилиш пунктига 665 тонна буғдой етказиб берилди. Шартнома бўйича 295 тонна сара уруғ эркин нархларда сотилиши керак эди. Ваҳоланки, ҳозиргача жами 670 тонна ғалла сотилди, бу борадаги топшириқ ҳам ошириб адо этилди. Хўжалик буйича ўртача ҳосилдорлик 35 центнердан ошиб кетди.

Ҳосилдан бўшаган ерлар пешма-пеш шудгорланиб, такрорий экинлар — картошка, мош, силос учун маккажўхори экиш тезкорлик билан олиб борилмоқда. Чунки, вақт ғанимат. Ижарачи деҳқонларнинг эса такрорий экинлар ҳосили — қўшимча даромаддан умидлари катта.

С. ШАРОФХОНОВ,
Пискент тумани.

ГЕКТАРИДАН 50 ЦЕНТНЕР

«ГУЛИСТОН» жамоа хўжалиги ғаллакорлари бу йил 994 гектар майдонга ғалла экkan эдилар. Улар ўрим-йиғимга ҳар томонлама пухта тайёргарлик кўрганликлари туфайли қисқа муддат ичида давлатга 2500 тоннадан ортиқ дон етказиб бердилар. Бу режадагидан 760 тонна кўп демакдир. Гектар бошига олинган ҳосил 45-50 центнерни ташкил этади.


Хўжалик ғаллакорларининг бу улкан меҳнат ғалабасига ака-ука Дониёр ва Данил Галимовлар, Қ. Аширбоев, Б. Маҳмудов каби комбайнчилар ўзларининг салмоқли ҳиссаларини қўшдилар. Ғаллани ўз вақтида ташиб беришда Рихсивой Орипов, Маъмур Эргашев, Зайнобиддин Мелибоев сингари ҳайдовчилар алоҳида жонбозлик кўрсатдилар.

Хўжалик ғаллазорларида ўрим-йиғим ишлари ниҳоясига етди. Шу кунларда Юқоричирчиқ туманидаги бу хўжаликда ҳосилдан бўшаган майдонлар пешма-пеш шудгорланиб, такрорий экинлар экилмоқда.

А. МАТҚУЛОВ.

Қутлов

САҲИФАЛАРНИ БЕЗАГАН ҲАЁТ



У меҳнат фаолиятини 1953 йили бошлаган. «Халқлар отаси» Сталин бетоб бўлиб вафот этган, хоин Берия фош қилиниб, ўлимга ҳукм этилган пайтлар. Доҳийнинг соғлиги ҳақидаги тиббий хулосани одамлар ҳар куни радио ахбороти ва матбуотдан қизиқиб кузатиб боришар, эрталаб эса газета дўконлари олдида навбат кутганлар кўпайгандан кўпаяр эди.

Одамлардаги янгиликка чанқоқликни кўрибми, ёки маҳалладаги камтарин ҳамда баобрў Фахриддин қори ака Йўлдошевнинг маслаҳати сабаб бўлдими, ҳарқалай ёшгина Орифжон газета чиқариладиган жойга келди-ю, шу ерда ишлашни ихтиёр этди.

Лекин цехда кундуз бошланган иш тонгга қадар давом этар, уйга қайтаётганда кўчада унда-бунда саҳархез одамларни учратарди. Кўргошинга қуйилган ҳарфлар, сатрлар ва улардан ҳосил бўлган зил-замбил саҳифалар, ҳар бири ёмбидек оғир расм-клишелар билан қора бўёқли дастгоҳ олдида тик оёқда ишлашга унча-бунчалар чидаш бермасди. Бирон ҳарф, сўз ўзгартирилса, қўшимча жумла киритилса, ёки қисқартирилса, саҳифадаги устунлар ва сатрларни қайта бошдан «миҳ» билан кўчириб чиқишга тўғри келарди.

«Игна билан қудуқ қазиш» деган ўхшатиш айнан саҳифаловчи-вёрсткачиларга атаб айтилгандек. Ҳозир энди ўша машаққатлар ўтмиш бўлиб қолди. Кўргошинга муҳрланадиган сатрлар-жумлаларни «ақлли» компьютерлар бир зумда саҳифага кўчирмоқда. Компьютерчи-оператор ёнидаги Орифжон ака газетанинг шакли-шамойили кўримли, мазмунга монанд бўлиши учун қўлни эмас, ақл ва тажрибани ишга солиб, маслаҳат бериб туради.

Саҳифаловчи-муҳаррир ва котиб ғоясини амалга оширувчи, газета мақолаларининг мазмун ва моҳиятидан келиб чиқиб жойлаштирувчи, сарлавҳа, рукн, имзолар учун муносиб ҳарфлар, чизиқ ва рамкалар топувчи ходим, қисқаси, мақолаларни саҳифага жойлаштирувчи меъмор, наққош.

Саҳифалар...: 42 йилдан буён у қанчаданқанча саҳифаларни безадийкин?!

«Кўп йиллик ҳалол ва фидокорона меҳнатлари учун». Мукофотлаш ҳақидаги фармон ва буйруқлар аксарият шу ибора билан бошланади. Бу ибора Орифжон ака Иброҳимовга ўхшаш меҳнаткаш инсонлар учун топилган десак, касбдошларимизнинг ҳаммаси қўшилса керак.

Кўп одамлар ҳақида иш жойида бошқа, кўчада бошқа, оиласида яна бошқа фикр эшитиш мумкин. Аммо, Орифжон акани «Шарқ» нашриёт-матбаа концернининг жуда катта жамоаси ҳам, у ҳозир фаолият кўрсатаётган «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти ходимлари ҳам, маҳалладаги қўни-қўшнилару, қариндош-уруғлар ҳам бир хилда таърифлашади: камтар, фидойи, ширинсўз инсон дейишади. Сабаби — унда касбига садоқат, оиласига, дўстлари ва яқинларига ҳақиқий меҳрибонликнинг намунаси мужассам. Менимча, ҳаётда у эришган энг катта бахт ҳам шу.

У доимо ишдан ҳаммадан кейин қайтса ҳам, эрталаб ҳаммадан барвақт иш жойида ҳозир бўлади. Икки қўлини фотиҳага очиб, яхши ният билан меҳнат кунини бошлайди. Эзгу нияти эса унга доимо йўлдош бўлиб келмоқда.

Орифжон ака билан 35 йилдан ортиқроқ вақтдан буён биргамиз. Шу вақт ичида уни бир кун ишга келмай қолгани, «прогул» қилганини билмадик. Суриштириб кўрилса, умрида ҳали бирон марта дўхтирларга бориб «бюллетень» олмаган экан.

Бугун Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими устоз газетачи Орифжон Иброҳимов мазмунли умрининг 60 ёшини қаршиламоқда. Ҳамкасбимизга ҳаётининг ана шу қутлуғ кунида биз ҳам эзгу ниятларимизни изҳор этиб, асло дард кўрманг, Ҳайринисо опа билан узоқ йиллар тўрт ўғил, икки қиз, бир этак набираларингизнинг бахтини кўриб юринг, деймиз.

С. МУСАЕВ.

КИЧКИНТОЙЛАР ҲАТНА ҚИЛИНДИ

ЮҚОРИЧИРЧИҚ (Телефон орқали). Кам таъминланган оилалар фарзандларининг тўйларини ўтказиб бериш туманимизда анъанага айланиб қолди. Бундан бир йил аввал мустақиллик байрами куни етти боланинг тўйлари ўтказилиб, улар учун омонат дафтарчалари очилган эди. Бу йил Юқоричирчиқ туман ҳокимлиги маҳалла ҳайрия жамғармаси туман бўлими республикамизнинг мустақиллик байрами кунларида болалар миллий тўй либосларини кийиб, ўйнаб-кулиб юришларини назарда тутиб, хайрли тадбирни эртароқ бошлаб юбордилар.

Худудимиздаги марказий шифохонада махсус хоналар ажратилиб, 34 бола ҳатна қилинди. Суннат таомилини кўп йиллардан буён ўз саҳоватлари билан аҳоли ҳурмат-эътиборига сазовор бўлиб келаётган жарроҳлар Ҳикмат Бегимов, Анорбой Ажибоев, Муҳиддин Нормановлар амалга оширишди. Ҳатна кунлари шифохонанинг барча ходимлари кичкинтойлар атрофида парвона бўлиб турдилар.

Кам таъминланган оилаларнинг соҳиб ва соҳибалари бундай ғамхўрлик учун вилоят ҳокимлигига, марказий шифохона жамоасига миннатдорчилик билдирдилар.

И. СУЛТОНОВА,
«Маҳалла» хайрия жамғармаси туман бўлими раиси.

Таҳририятга хатлар

ЎЗИМ ВА ОИЛАМ НОМИДАН

Мен Олмалиқ шаҳрида алоқа бўлимида кўп йиллар меҳнат қилдим. Ҳозир шаҳар «Гўзал» ҳаваскорлик дастасининг раҳбариман. Айни чоқда Маданият олийгоҳининг иккинчи курс талабасиман. Кўп болалик онаман.

Бу хатни ёзишимдан мақсад менинг ҳақиқий халоскорим Ҳалима опа Бегматова олдидаги бир умр қарздорлигимдир. Бу ажойиб инсон мени оғир бўғма хасталигидан шифо топиб кетишимга сабабчи бўлди. Илгарилари ҳам одамлардан унинг ширинсуханлиги, онадек меҳрибонлиги, камтарлиги, куну-тун нажот сўраб келаётганларга қўлидан келган ёрдамини бераётганлигини эшитиб юрардим. Ўзим оғир ўлим тўшагида ётганимда Ҳалима опанинг ҳақиқий шифокорлигига иқрор бўлдим.

У тунда уйимга келиб биринчи ёрдамни бермаганда, эҳтимол, бу миннатдорчилик сатрларини ёзиш ҳам насиб этмасди менга. Касалхонада бутун тажриба ва билимини ишга солиб, менинг дарддан фориғ бўлиб кетишимни таъминлади.

Ҳурматли «Тошкент ҳақиқати» ходимлари!

Газетангиз орқали ўзим ва оилам, шунингдек кўпсонли бошқа беморлар номидан Ҳалима опа Бегматовага қалб миннатдорчилигини етказсангиз.


Туймагул ЭШМОНОВА,
Олмалиқ шаҳри.

МАВЗУ ТЎХТАБ ҚОЛМАСИН

«Тошкент ҳақиқати»нинг ҳар бир сони билан танишиб боришга одатланганман. Газетанинг шу йил 22 апрель сонида «Ёшлик— ажиб бир дунё» деб номланган янги саҳифа эълон қилинганлигини кўриб хурсанд бўлдим. Чунки, саҳифадан инсон умрининг бетакрор даври— ёшлик ҳақида эътиборга лойиқ материаллар ўрин олган эди. Шуниси муҳимки, саҳифадаги материалларда, хусусан, таниқли ижодкор Маҳмуд Тоировнинг «Бахт недур? Бахтсизлик не?», ТошДУ талабаси Садриддиннинг «Юсуф бўлолмадим, Зулайҳо!» деб номланган мақолаларида ҳаётий воқеалар ҳақида ҳикоя қилинибгина қолмай, қизларни хушёрликка, йигитларни мардликка ундовчи кучли бир даъват сезилади. Ўртачирчиқлик Обиджон Юсуповнинг тақдири ҳақидаги қайдлар, у ёзган шеърлар эса бахтли келажак учун ишонч билан курашиш зарурлигини ёдга солади.

Умуман саҳифада қизиқарли, ўқувчини ҳаяжонга соладиган, ёшларни мулоҳазакорликка етакловчи материаллар берилган. Менинг таклифим шуки, «Ёшлик — ажиб бир дунё» саҳифаси бундан буён ҳам вақти-вақти билан бериб борилса. Саҳифадаги «Билмайин босдим тиконни», «Йигитлар сўз сўрайди» рукнларини давом эттириш, саҳифанинг ранг-баранглигини янада ошириш, мазмунини бойитиш, янги мавзулар топиш мақсадга мувофиқ деб ўйлайман.

Қудрат ОДИНАЕВ,
Ўзбекистон Журналистлар уюшмасининг аъзоси.





НАҲОРГИ ОШ

ГИРА-ШИРА. Эндигина тонг ёришмоқда. Янги кун бошланганидан далолатдек қушлар тинмай наво айлар. Азим пойтахт сокинлик қўйнида. Кўчаларда онда-сонда қайгадир шошиб кетаётган одамлар кўриниб қолади. Гоҳо, гириллаб машиналар ўтиб турибди.

Самарқанд дарвозасида катта бир хонадонда бу кеча ҳеч ким ухламади. Кенг юзли ҳовли чароғон. Сабзи тўғраш баҳонаси билан туйҳонага ташриф буюрган маҳалла аҳли, қари-ю, ёш-яланглар анча вақтгача гурунглашиб ўтирдилар. Турли воқеалар, ривоятлар сўзлашар, аския, кулги авжида эди.

Мана, каптар, майда-чуйдаларини кўтариб ошпаз ҳам етиб келди. Ярим кечада ўчоққа олов ёқилди.

Ҳа, бугун бу хонадонда тўй. Ҳаммаёқ саранжом-саришта, жойлар тайёрланган, самоварлар қайнаб турибди. Ҳовлининг энг кўримли жойига қўйилган тахта каравотда хофизлар, машшоқлар савлат тўкиб ўтиришибди. Танбур-дутор, гижжаклар созланган. Чилдирмачи ўчоқ бошида ўз иши билан банд.

Қандай серфайз, гўзал бир манзара. Тўй яхши. Бошинг тўйдан чиқмасин, дейди қариялар дуога қўл очиб. Осойишталикка, тинчликка не етсин, бу бизнинг иқболимиз, бахтимиз-ку!

Қарияларимиз дуоси ижобатга ўтсин, келинг орзу қилайлик. Эл юртимизда кўпроқ тўйлар бўлсин.

Наҳорги ош. Бу бизнинг қадим-қадим ота-боболаримиздан қолган миллий одатимиз, анъанамиз. Азиз меҳмондўст ўзбегимнинг тўйга деб атайин йиғиб қўйган, топган-тутганларини бир ечилиб, хотамтойлиги тутиб, яхши ният билан эл-юртга қилиб диган саховати, ҳайрияси! Бу миллатимизга ҳос сахийлик.

Ўзига тўқ, бадавлат оилалар, камбағалбечоралар ҳам ўғил уйлантирса, қиз чиқарса, пайғамбар ёшига кирса ёки бошқа маросимларда албатта эл-юртга ош беради. Юртимизда фаровонликда ҳам, энг қийинчилик йилларида ҳам халққа ош бериш ҳеч қачон канда бўлмаган.

Ёдимда, урушнинг оғир йилларида Юнусободда дала қўшнимиз фронтдан яралар бўлиб келган ўғлини уйлантириб, наҳорда ош берган. Ошпаз Тўхта самоварчи эди. Эсимда қолганининг боиси шундаки, биз ёш болалар ўшанда ошпазнинг ёнига бориб, бизга ҳам палов сузиб беринг, деб хархаша қилгандик.

Умрбоқий удумлар

— Лаган йўқ, бироз сабр қилинглар, — деди ошпаз.

Биз оч эдик. Эрталабки паловнинг хушбўй ҳиди гўё жигар бағримизни эзиб юбормоқда, иштахамиз қўзғаб ҳеч чидай олмай Тўхта ошпазга тикилганча, унинг ҳар бир ҳаракатини кузатиб турардик.

Ошпаз бизга бир қараб қўйди-ю, кейин раҳми келди шекилли:

— Қани, дўппиларингни тутларинг, — деб қолди.

Ҳаммамиз дўппимизни тутдик. Афсус, дўппига ярим капкиргина ош сиғди, халос.

Ўша наҳорги ошнинг мазаси оғзимда қолган, ҳечам ёдимдан чиқмайди.

Мана бугун каллаи саҳар Тошкентнинг осойишта, озода, обод кўчаларидан ошга кетаяпману, ўша Тўхта ака пиширган паловни эслайман.

Биз бораётган хонадон файзли оила. Фарзандлар ўз меҳрибон пуштипаноҳлари, азиз падарбузрукворларининг муборак 80 ёшлари муносабати билан эрталабки ёзиладиган муқаддас дастурхонга лутфан таклиф этишган. Муқаддас дейишимнинг боиси бу оиланинг бошлиғи жуда ҳам пирубадавлат, бахтли ота. Тўрт ўғлон, ҳаммаси топиш-тутишли. Ота-оналарини кафтларида кўтариб юришади. Энг катта ўғиллари катта лавозим эгаси. Улар тўртовлон эшик тагида оталарининг ҳурмат-икроми юзасидан меҳмонларни қўл қовуштириб, одоб билан кутиб олишарди. Шу топда ўзларининг мансаблари ҳам, унвони ҳам ёдларидан чиққан, камтарин, отага муте вафодор фарзандлар эдилар.

Ҳа, фарзандлар шай, бири-иккинчисидан кам эмас. Бири катта олим, академик. Яна бири тижоратчи. Энг кичиги катта унвонли ҳарбий хизматчи. Тоғни урса талқон қиладиган йигитлар. Уларга ҳаммасининг ҳаваси келади. Буларни тарбиялаб, воягa етказган ота-онасига раҳмат дейишади, одамлар.

Отахоннинг катта ўғли ҳамма нарсага бош-қош. Келган одамларни, айниқса отасининг жўраларини ўзи кутиб олар, иложи бўлса қўлтигидан олиб, камсуқумлик билан тўрга олиб бориб ўтказиб қўярди. Академикнинг ҳам қўли кўксида.

ШУ ўринда қадимий бир ҳикоят ёдимга тушди.

Хирот шаҳри алломалари, шоиру фузалоларининг мушоира оқшоми ҳазрат Жомий хонадонида ўтадиган бўлибди. Шунда атроф-қишлоқлардан ҳам шоиру фузалолар муборак хонадонга келишибди. Эшик ёнида юпунгина кийиниб олган, жиккакдан келган нуроний мўйсафид келганларни кутиб олиб уйга олиб кирар: отуловларини оғилхонага элтиб боғлар экан.

Бир вақт хонадонга вилоят ҳокимларидан бири Шаҳзода ҳам ташриф буюрибди. Мўйсафид ҳокимни отдан тушириб, тўрга олиб бориб ўтқазибди-да, ўзи пойгакка келиб ўтирибди.

— Азиз меҳмонлар, мана ҳамма келиб бўлди, хонадон соҳиби улуғ-зот ўзлари қайдалар, — сўрабди Шаҳзода.

Шунда меҳмонлардан бири пойгакда камтарона ўтирган Абдураҳмон Жомийга ишора этибди.

Шаҳзода уялиб ўрнидан туриб кетибди. Шунда хазрат Жомий эҳтиром ила уни жойига олиб бориб ўтқазиб, мушоирани бошлаб юборибди.

Бу ҳикоят барчамизга, айниқса ёшлар учун ғоятда ибратлидир.

Наҳорги ошнинг улуғлиги ҳам, нодир анъаналигининг боиси ҳам шунда. Фарзандларнинг ўз отасига, иззат-икроми юзасидан эл юртга дастурхон ёзишлари тақсинга сазовордир. Киройи — фарзандинг бўлса шунчалик бўлса, уларга ҳавас қилса арзийди. Келинг, яхши ният қилайлик, бизнинг фарзандларимиз ҳам шундай камолга етишсин. Зеро чин дилдан, кўнгилдан чиқариб орзу қилсак, унга етишамиз. Илоҳо орзуларимиз ижобат бўлсин. Ана шундай фарзандларни камолга етказган ота-оналарга минг раҳмат!

Мақсуд ҚОРИЕВ.

Спорт • Спорт • Спорт • Спорт

ХАЛҚАРО МУСОБАҚА ТУГАДИ

Спортнинг техник турлари бўйича «Осиё кубоги» учун ўтказилган халқаро мусобақа тугади. Уни Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги ўқувчилар ва ўсмирлар техника ижодиёти республика маркази билан биргаликда уюштирган эди. Қозоғистон, Қирғизистон ва Ўзбекистоннинг ёш спортчилари тўрт кун давомида техника ижодкорлиги соҳасида беллашдилар.

Умумкоманда ҳисобида ўзбекистонлик ўқувчилар ғолиб бўлишди. Қирғизистонликлар иккинчи, қозоғистонликлар учинчи ўринни олишди. Кемалар, самолётлар, ракеталар моделлари бўйича мусобақалар жуда қизиқарли ўтди — ёш ижодкорлар техникани яхши билишларини намойиш қилдилар.

Мусобақа иштирокчилари Тошкентнинг диққатга сазовор жойларини, музейларни, театрларни бориб кўрдилар, дискотекаларда бўлдилар.

Уч мамлакат болалари хайрлашар экан, мусобақа давомида вужудга келган дўстликни мустаҳкамлашга аҳд қилдилар, бир-бирларига хат ёзиб туришга ваъда бердилар. Бу дўстлик умумий хонадонимиз Туркистонда ҳамжиҳатлик ва тотувликнинг гарови бўлади.

«НЕФТЧИ»ГА ТАРАФ ЙЎҚ

Ўзбекистон чемпионати иккинчи даврасининг ўн олтинчи турида «Нефтчи» футболчилари «Машъал» спортчилари билан учрашиб, рақиблар дарвозасига еттита жавобсиз тўп киритдилар. Энди фарғоналик футболчилар ҳисобида 41 та хол бор. «Нурафшон» ҳам яхши натижа кўрсатмоқда. Бу команда Чирчиқ спортчилари дарвозасига тўртта жавобсиз тўп киритиб, ўз ҳисобидаги холларни 37 тага етказди.

«Динамо» ва «Пахтакор» ўртасидаги ўйин ҳам қизиқарли бўлди. Динамочилар ўйинининг биринчи ярмини 1:0 ҳисобида ўз фойдаларига ҳал қилдилар. Иккинчи ярмида эса пахтакорчи Равшан Бозоров иккита тўп киритиб, командасини олдинга олиб чиқди. Рақиблар дарвозасига тўп киритишда МҲСК аъзоси Ойбек Усмонхўжаев пешқадамлик қилмоқда: унинг ҳисобида 14 та тўп бор. Пахтакорчи Равшан Бозоров эса 10 та тўп урган.

«Темирйўлчи» ва «Наврўз» ўртасидаги учрашув 3:3 ҳисобида дуранг натижа билан тугади. «Сўғдиёна» АСК дарвозасига 4 та жавобсиз тўп киритди. «Политотдел» ва «Трактор» клублари спортчилари учрашувида дарвозалар дахлсиз қолди.

(ЎзА).

Кимошди савдоси

МАШИНА КЕРАКМИ ЁКИ ТРАКТОР?

ВИЛОЯТИМИЗДА ким ошди савдоси тадбирларини ўтказиш одатга айланмоқда. Бозор иқтисодиёти тизимига кирувчи бундай маросимлар Қуйичирчиқ туманида ҳам тез-тез ўтказиб борилмоқда.

Туманда май ойида ўтказилган ким ошди савдосида 12 та ер участкаси сотувга қўйилиб, ундан давлат жамғармасига анчамунча маблағ тушган эди. Ўтган шанба куни навбатдаги ким ошди савдоси бўлиб ўтди. Бу галги савдо анча салмоқли эди. Унда 100 та ер участкаси, 25 та янги савдо дўкони, 2 та машина ва битта трактор эркин сотувга қўйилди.

Ҳ. НОСИРОВ.

КИМ ОШДИ САВДОСИГА МАРҲАМАТ!

Бўка тумани ҳокимлиги Бўка шаҳрида 12 ва 26 августда соат 10.00 да ҳокимлик катта залида

ОЧИҚ КИМОШДИ САВДОСИ ЎТКАЗАДИ

Унда қуйидагилар савдога қўйилади:

1. Бўка шаҳрида жойлашган бир қаватли ҳаммом ер участкаси билан. Бошланғич нархи 900.000 сўм.

2. Бўка шаҳридаги 32 ўринли меҳмонхона ери билан.

Бошланғич нархи 350.000 сўм.

3. Бўка шаҳридаги «Райҳон» ресторани ери билан.

Бошланғич нархи 1 миллион 200 минг сўм.

4. Бўка шаҳрида, Беруний массивида ва Баҳор кўчасида 69 та ер участкаси. Битта ер участкаси майдони 600 кв. м. Битта ер участкаси бошланғич нархи 15.960 сўмдан.

5. Бўка шаҳридаги «Баҳор» кўчасидаги 20 та ер участкаси. 1та ер участкаси майдони 600 кв.м.

1та ер участкаси бошланғич нархи 21.000 сўмдан.

6. Бўка туманидаги Ачамайли, Ғ. Азаматов номли, «Дўстлик», «Хўжақўрғон», С. Саймоқов номли, О. Йўлдошев номли, «Ўзбекистон» жамоа хўжаликлари фермалари.

Қўшимча маълумотлар олиш учун телефон: 37-807,

Мурожаат учун манзил: Бўка шаҳри, Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бўлими. Телефон: 37-807. Код. 257.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ • TOSKENT HAQIQATI

Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Муҳаррир муовини: Раҳимберди УМАРОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Телефонлар: хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 33-40-48 Эълонлар: 33-99-15, 32-57-27.

• Мақолалар, эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун муаллифлар, реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

• Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №8. Буюртма Г-0337. Ҳажми — 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.

"Шарқ" нашриёт матбаа-концерни босмахонаси. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи: 64672. Босишга топшириш вақти — 20.30. Босишга топширилди — 20.00. 1 2 3 4 5 6